



## МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Кадрли дўстлар!

Сиз, азизларни — мамлакатимизнинг босма ва интернет нашрлари, телерадиоканаллар, ахборот ва медиа хизматларида, нашриёт ва матбаа корхоналарида сидқидилдан меҳнат қилаётган ижодий ва техник ходимларни, заҳматкаш журналистлар, мухтарам фахрийларни касб байрамингиз билан чин қалбимдан табриклайман.

Мен сизларни — юксак билим ва салоҳиятга эга, ватанпарвар барча журналистларни ўзим учун доимий маслақдош, жонкуяр дўст деб билишимни яна бир бор изҳор этаман.

Бу йил ушбу қутлуг айём миллий матбуотимиз асоси — жадид боболаримиз томонидан “Тараққий” газетаси ташкил этилганига 120 йил, юртимизда радиоэшиттиришлар илк бор тажриба тарихида узатилганига 100 йил тўлган кунларда нишонланаётгани унга алоҳида шукуҳ бағишламоқда.

Биз бундан ўн йил олдин демократия, очиқлик ва шаффофлик тамойиллари, “Инсон қадрини учун, инсон бахти учун!” деган эзгу ғояга таянган ҳолда Янги Ўзбекистонни қуришга киришган эдик. Ўтган қисқа даврда кўп миллатли халқимизнинг фидокорона ва шарафли меҳнати билан бу борада улкан ютуқларни қўлга киритдик.

Жумладан, жамиятимизда сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, давлат органлари фаолиятининг очиқлигини кенгайтириш, ахборот соҳасини рақамлаштириш ва замонавий медиамаконни шакллантириш борасида эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда.

Яратилган мустақкам ҳуқуқий асос, берилган имтиёз ва преференциялар натижасида соҳанинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, унинг таркибида хусусий секторнинг улуши йилдан йилга ошиб бормоқда. Ҳозирги кунда қарийб 2 минг 700 та оммавий ахборот воситаларининг

67 фоизи, ноширлик субъектларининг 90 фоиздан ортиги, матбаа корхоналарининг 83 фоизи нодавлат сектор ҳиссасига тўғри келмоқда. Жорий йилда нашриётларнинг ишлаб чиқариш қуввати ўтган йилга нисбатан икки баробар ортиб, ўртача 15 минг номдаги жами 60 миллиондан ортиқ нусхада китоблар нашр этилди.

Мазкур кўрсаткичлар мамлакатда ахборот соҳасини либераллаштириш, китобхонлик маданиятини ошириш, медиа фаолиятини қўллаб-қувватлаш ишлари ҳамда ахборот хизматлари бозори кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Ахборот оқими кескин ортиб, дипфейк технологиялари кенг тарқалаётган бугунги даврда манбаларнинг ишончли эканига алоҳида эътибор қаратиш мамлакатимизда ҳам муҳим кўникмага айланди. Қисқа вақтда турли медиа лойиҳалар орқали 10 минг ёшни қамраб оладиган замонавий таълим тизими шакллантирилди.

Хурматли оммавий ахборот воситалари ходимлари!

Биз эркин ва масъулиятли, халқчил журналистикани жамият ва давлат ривожланишининг зарур шартларидан бири деб биламиз. Бу борада оммавий ахборот воситалари ходимлари фаолияти учун имкониятларни янада кенгайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, касб маҳорати ва малакасини ошириш, жумладан, ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, меҳнатини рағбатлантириш, соғлигини мустаҳкамлаш ва яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган янги чора-тадбирлар амалга оширилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси фаолиятини такомиллаштириш, унинг нуфузини ошириш ва ислохотлар жараёнидаги иштирокини кенгайтириш зарур деб ўйлайман. Нега деганда, тез ўзгараётган бугунги даврнинг

ўзи ушбу жамоат бирлашмаси олдида янги ва долзарб вазифаларни қўймоқда. Журналистларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга ҳуқуқий ва информацион-технологик ёрдам кўрсатиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда касбий бирдамлигини таъминлаш каби масалаларга жиддий эътибор қаратишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бу борада илк бор мамлакатимиз бўйлаб уч ой давомида 12 мингдан ортиқ соҳа вакиллари, жумладан, ёш журналистларни жалб қилган ҳолда ўтказилган Медиа ҳафталик тадбирларини келгусида ҳам давом эттириш муҳим аҳамиятга эга.

Мен мамлакат раҳбари сифатида миллий оммавий ахборот воситаларимиз давлат ва жамият ўртасида мустақкам кўприк вазифасини бажариш баробарида халқимизни умуммиллий манфаатлар асосида бирлаштирадиган, юртдошларимиз, айниқса, ёшларимизни эзгу мақсадлар сари етаклайдиган қудратли маънавий кучга айланиши учун барча ёрдам ва қўмакни кўрсатишга доимо тайёрман.

Мухтарам матбуот аҳли!

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги қувончли сана муносабати билан юксак давлат мукофотларига сазовор бўлган соҳа ходимларини чин қалбимдан самимий табриклайман.

Сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор қутлаб, барчангизга мустақкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат, фаолиятингизда янги муваффақиятлар тилайман.

Қаламингиз ҳамиша ўткир, сўзингиз ҳаққоний ва таъсирчан, ижодингиз баракали бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни**

## ЭЪТИРОФЛАР ТИМСОЛИДА МАШАҚҚАТЛИ МЕҲНАТНИНГ ХОЛИС ВА АДОЛАТЛИ БАҲОСИ



Куни кеча пойтахтимиздаги мухташам “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.

## МАМЛАКАТИМИЗ МЕДИА ЛАНДШАФТИДА ТРАНСФОРМАЦИЯ

Тошкентда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан йирик медиафорум бўлиб ўтди.

Ахборот инсоният тараққиётининг барча босқичларида муҳим ўрин тутган. Замонавий дунёда унинг таъсир доираси мислсиз кенгайиб, медиа макони рақобат, жамоатчилик фикри ва тараққиёт суръатларини белгилайдиган стратегик омилга ай-

ланди. Бугун мамлакатдаги ислохотлар мазмунини ҳам, унинг халқаро нуфузи ҳам кўп жиҳатдан ахборотнинг қандай яратилиши, тарқатилиши ва қабул қилиниши билан ўлчанади. Шу сабабли медиа соҳасини ривожлантириш, профессионал кадрлар

тайёрлаш, замонавий контент ишлаб чиқиш ҳамда очиқ ахборот муҳитини шакллантириш ҳар қандай давлат қаршида турган устувор вазифалар сирасига қиради.

► Давоми 2-бетда

## ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ УЛУШINI ҚИСҚАРТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш ва соҳада прокурор назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари юзасидан тақдимот билан танишди.**

Кейинги йилларда бу борада тизимли ишлар амалга оширилди, хусусан, яширин иқтисодиётга қарши курашиш бўйича махсус ва ҳудудий комиссиялар фаолияти йўлга қўйилди, солиқ ва божхона органларида хавф таҳлили ҳамда сегментлаш тизимлари жорий этилиб, қонунчиликдаги яширин айланмаларга йўл очаётган бир қатор “туйнук”лар ёпилди, қонунга итоаткор тадбиркорларни рағбатлантириш чоралари эса кучайтирилди.

Амалга оширилган чоралар натижасида сўнгги икки йилда кузатилмайдиган иқтисодиёт улуши 35 фоиздан 23 фоизгача камайдди, бюджетга қўшимча 38 триллион сўм ундирилди, расмий банд аҳоли сони 8,5 миллион нафардан ошди, расмий ўртача иш ҳақи эса 6,5 миллион сўмга яқинлашди.

Шу билан бирга, яширин иқтисодиёт улуши ҳали ҳам юқориликка қолмоқда. Статистик баҳолашларга кўра, жорий йилнинг биринчи чорагида кузатилмайдиган иқтисодиёт ҳажми қишлоқ хўжалигида 81,1 триллион сўмини, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида 24,5 триллион сўмини, қурилишда 23,9 триллион сўмини, саноатда эса 6,7 триллион сўмини ташкил қилмоқда.

Яширин иқтисодиёт бюджет даромадларини камайтириш билан бир қаторда мамлакатдаги соғлом рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатиш, норасмий бандлик туфайли фуқароларнинг ижтимоий ҳимояланганлик даражасини пасайтириш, аҳоли (истеъмолчилар) ҳамда тадбиркорлик субъектларининг қонун билан белгиланган кафолат ва қўллаб-қувватлаш механизмларидан тўлиқ фойдалана олмаслик каби оқибатларга олиб келади.

Мамлакатимизда 2030 йилгача яширин иқтисодиёт ҳажмини икки баробар қисқартириш, расмий банд аҳоли сонини 14 миллион нафарга, нақдсиз тўловлар улушини 75 фоизга етказиш мақсад қилинган.

Давлатимиз раҳбари томонидан сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланган ҳолда соҳалар ва ҳудудлар кесимида яширин иқти-

содиёт хавфи, эҳтимолий бюджет йўқотишлари ва қўшимча даромад манбаларини акс эттирадиган ягона рақамли платформани яратиш, ушбу платформа ёрдамида хуфиёна айланмаларни келтириб чиқараётган омиллари аниқлаш ҳамда бартараф этиш зарурлиги бўйича кўрсатмалар берилган эди.

Тақдимотда айнан шу мақсадда Бош прокуратура томонидан яратилган ва синов тарихида ишга туширилган “Яширин иқтисодиёт харитаси” платформасининг имкониятлари ҳақида ахборот берилди.

Платформа иқтисодиётнинг 22 та асосий тармоғи, 85 та соҳа, 14 та маъмурий ҳудуд ва 208 та туман-шаҳар кесимида яширин айланмалар хавфини аниқлаш ва масъуллар томонидан уларнинг бартараф этилишини назорат қилиш орқали бюджет даромадларини ошириш ҳамда соғлом рақобатни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Платформани яратишда солиқ, божхона, молия, иқтисодиёт, статистика, эконометрика ва эҳтимолилар назариси йўналишлари бўйича бир қатор малакали мутахассислар жалб қилиниб, юздан ортиқ хавф мезонлари ишлаб чиқилган ҳамда уларга ҳудуд ва тармоқларнинг ўзига хос хусусиятлари, солиқ режими, товар айланмаси, бюджет учун аҳамияти ва бошқа омиллари инобатга олган ҳолда индивидуал коэффицентлар белгиланган.

Соҳа ва ҳудудлар кесимида яширин иқтисодиёт хавфи ва эҳтимолий бюджет йўқотишларини аниқлаш мақсадида платформага 16 та масъул вазирлик ва идоранинг ахборот тизимлари интеграция қилинган ва барча маълумотларни реал вақт режимида қайта ишлаш имконияти яратилган.

Платформа таҳлиллари асосида яширин иқтисодиёт хавфи ва эҳтимолий бюджет йўқотиши миқдоридан келиб чиқиб, соҳа ва ҳудудлар автоматик тарзда “яшил”, “сарик” ҳамда “қизил” тоифаларга ажратилади.

Мазкур платформа орқали лицензиясиз фаолият юритиш, ҳақиқий айланма, иш ўринлари ва меҳнатга

ҳақ тўлаш жамғармасини яшириш, рентабеллик ва фойдани камайтириш каби хавфлар автоматик аниқланади.

Тақдимотда платформанинг имкониятларидан фойдаланган ҳолда соҳада прокурор назоратини рақамлаштириш орқали уни янги босқичга олиб чиқиш тақлиф этилди.

Мазкур жараёнда яширин иқтисодиётга қарши курашишга масъул вазирлик ва идораларнинг куч ва воситалари платформа таҳлиллари асосида манзилли йўналтирилади, уларни назорат қилишда эса инсон омили янада камайтирилади. Яширин иқтисодиёт хавфи юқори бўлган соҳа ва ҳудудлар автоматик тарзда аниқланади, сабаблар таҳлил қилинади, масъул идораларга манзилли топшириқлар берилади, ижро назорат қилинади ва натижалар баҳолаб борилади.

Агар туман ёки шаҳар даражасида муаммо ҳал этилмаса, масала вилоят босқичига, зарур ҳолларда республика даражасига олиб чиқилади. Тизим орқали муаммонинг илдииз сабаблари аниқланиб, уни бартараф этиш, қонунчиликни такомиллаштириш ва бюджет даромадларини ошириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилади.

Давлатимиз раҳбари яширин иқтисодиётни қисқартиришда асосий эътибор рақамлаштириш, маълумотлар алмашинувини кучайтириш, инсон омилини камайтириш ва назоратни манзилли ташкил этишга қаратилиши зарурлигини яна бир бор таъкидлади.

Масъулларга 1 октябрга қадар 70 дан ортиқ ахборот тизимини платформага интеграция қилиш, 1 январга қадар барча ҳудудлар ва соҳаларни ушбу платформа билан қамраб олиб, тўлиқ ишга тушириш топширилди.

Шунингдек, барча тадбиркорлик субъектлари учун тенг рақобат шароитларини яратиш ва яширин иқтисодиётни қисқартиришда мутасад-дларнинг масъулиятини оширишда прокурор назоратини кучайтириш вазифаси қўйилди.

ЎЗА

**30 июнь — Ёшлар куни**

## НАВҚИРОН АВЛОДНИНГ МУВАФФАҚИЯТ ФОРМУЛАСИ

Инсоният тарихининг қай бир даврига назар солмайлик, ундаги энг буюк зафарлар, илмий кашфиётлар ва юксалишлар замирида айнан ёшлар шижоати, илмга ташналиги ҳамда чексиз ғайрати мужассамлигига гувоҳ бўламиз. Дунё шиддат билан ўзгараётган, геосиёсий жараёнлар мураккаблашаётган бугунги даврда давлатларнинг қудрати иқтисодий кўрсаткичлари ёки анъанавий армияси билан бирга ўша мамлакатда камол топаётган ёш авлоднинг маънавий дунёси ва интеллектуал салоҳияти билан ҳам белгиланмоқда.

Янги Ўзбекистонда ёшлар сиёсати шунчаки тарғибот эмас, балки давлат стратегиясининг энг муҳим йўналишига айланди. Мана тўққиз йилдирки, мамлакатимизда 30 июнь — Ёшлар куни кенг тантана қилиниб, ўсиб келаётган авлоднинг интилишлари қўллаб-қувватланмоқда ва рағбатлантирилмоқда. Бу сана миллиятимизнинг эртанги кунига юксак ишонччи рами бўлиш билан бирга янги Ўзбекистон тақдирини белгилашда ёшларнинг ўрни нақадар муҳим эканини яна бир бор тасдиқлайди. Эътиборли жиҳати, бугун армия, умуман, Қуролли Кучлар тизими ёшлар учун ўзини ҳар томонлама намоён этадиган энг жозибали ва нуфузли соҳага айланди.

► Давоми 5-бетда





Мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлидаги изчил ислохотлар самараси ўларок, барча соҳа ва тармоқларда катта натижаларга эришилмоқда. “Инсон қадрини учун” тамойили асосидаги янгиланиш жараёни моҳиятини аҳолига етказиш, эришилаётган улкан ютуқларни кенг тарғиб этиш, глобал ахборот майдонида миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишда юртимизда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситаларининг ўрни катта.

Бу йилги байрам ўзгача шукуҳда кечмоқда. Сўнгги йилларда соҳа ривожига қаратилаётган юксак эътибор, давлатимизнинг оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани самарасидир. Шу билан бирга, мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги арафасида турганимиз ҳам байрамга ўзгача руҳ бахш этаётир.

Тантанали байрам кўтаринки кайфиятда бошланиди. Давлатимиз раҳбари матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига таъриб қўйлади. Таърибни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Коммуникациялар департаменти раҳбари — Президент матбуот котиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди.

“Биз бундан ўн йил олдин демократия, очиқлик ва шаффофлик тамойиллари, “Инсон қадрини учун, инсон бахти учун!” деган эзгу ғояга таянган ҳолда Янги Ўзбекистонни қуришга киришган эдик. Утган қисқа даврда кўп миллатли халқимизнинг фидокорона ва шарафли меҳнати билан бу борада улкан ютуқларни қўлга киритдик.

Жумладан, жамиятимизда сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, давлат органлари фаолиятининг очиқлигини кенгайтириш, ахборот соҳасини рақамлаштириш ва замонавий медиамакони шакллантириш борасида эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда”, дейилади таърибда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 25 июндаги “Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги фармониға биноан бир гуруҳ фидойи соҳа ходимлари тақдирланган эди. Уларга орден ва медалларни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева топширди.

## МАМЛАКАТИМИЗ МЕДИА ЛАНДШАФТИДА ТРАНСФОРМАЦИЯ

Бошланиши 1-бетда

Янги Ўзбекистонда ҳам медиа соҳаси чуқур янгиланишлар йўлидан бормоқда. Ахборот маконини сифат жиҳатидан янада яхшилаш, миллий контентни кучайтириш, журналистика ва рақамли коммуникациялар имкониятларини кенгайтиришга қаратилган изчил чоратadbирлар бу жараённинг амалий инфодасидир. Кўни кеча Тошкент шаҳрида Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни муносабати билан Президент Администрацияси хузуридаги Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш маркази томонидан ўтказилган медиафорум ана шу саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми сифатида соҳа вакиллари бир майдонга жамлади.

Жорий йил 30 мартдан 26 июнига қадар республикамизнинг дарча худудларини қамраб олган ҳолда ўтказилган ва жами соҳанинг 12 мингдан зиёд вакилини бирлаштирган медиахафталикларнинг мантиқий ва тантанали якуни бўлган ушбу анжуман соҳа ходимлари учун ўзига хос мулоқот ҳамда тажриба алмашиш майдониға айланди. Унда юртимизнинг етакчи журналист ва блогерлари, матбуот котиблари, медиаэкспертлар ҳамда фикр етакчилари жам бўлди.

Медиафорумда Ўзбекистон Президенти Администрацияси Коммуникациялар департаменти бошлиғи — Президент матбуот котиби Шерзод Асадов сўзга чиқиб, иштирокчиларни касб байрами билан кутлади ва давлатнинг медиа сиёсатидаги энг муҳим устувор йўналишлар ҳамда соҳадagi ислохотлар ҳақида батафсил тўхталади. Шерзод Асадов Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимиз кенг қўлами трансформация босқичига қадам қўйгани, давлатимиз дунёға очилиб, миллий медиа ландшафти ҳам тубдан ислох қилинаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг ОАВ ходимлари меҳнатини қадрлаш, ижодий жамоаларни қўллаб-қувватлаш, соҳа



моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб қолиши ҳақидаги сўзлари бунинг аққол исботидир. Мамлакатимиздаги очиқлик сиёсати ОАВ фаолияти эркинлигини, ахборот олиш ва тарқатиш ҳуқуқларини қатъий қафолатлаши билан бир қаторда ахборот муҳитида ҳаққонийлик ва ҳолисликни бош мезон сифатида сақлашни, яъни сўз эркинлиги катта масъулият эканини ҳам талаб қилиши кайд этилди.

Форумда миллий медиамаконидаги таркибий ва сифат ўзгаришлари сўнгги йиллардаги энг юқори кўрсаткичларга чиққани эътироф этилди. Таҳлилларга кўра, бутунги кунга келиб Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларининг умумий сонини 2700 таиш ташкил этиб, 2025 йилдагига нисбатан 15 фоиз ўсган. Ноширлик субъектлари сонини 659 тага (11 фоиз ўсмиш), матбаа корхоналари сонини эса 1826 тага (29 фоиз ўсмиш) етган. Бу жараёнда энг эътиборли жиҳат, хусусий сектор улушининг йилдан йилга ошиб бораётганидир. Чунки айни пайтда ОАВнинг қарийб 67 фоизини, ноширлик субъектларининг 90 фоиздан ортиғини ҳамда матбаа корхоналарининг

83 фоизини айнан нодавлат сектор ҳиссасига тўғри келмоқда. Ушбу қарамлар мамлакатимизда ахборот соҳасининг реал либераллашгани, шунингдек, соғлом рақобат муҳитини шаклланиб, ахборот сифати яхшиланаётганидан далолат беради.

ОАВни реал фактларга асосланган сифатли материаллар билан таъминлаш ва давлат органлари медиа фаолиятини самарали мувофиқлаштириш мақсадида Президент Администрацияси хузурида ташкил этилган Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш маркази қисқа вақт ичида соҳанинг ўзига хос таъриб ва малака мактабига айланди. Контент маркази томонидан йўлга қўйилган “Мобилографлар мактаби”, “SMM maktab”, “Media Start”, “FikrLab”, “Debyut” лойиҳалари доирасида жами 10 мингдан ортиқ ёш мутлақо бепул ўқитилиб, рақамли коммуникациялар йўналишида янги авлод профессионал кадрлари захираси сифатида тайёрланди. Ўтказилган мунтазам ижодий танловлар орқали эса тармоқларда 2 мингдан зиёд миллий ва фойдалани видео контент яратилиб, улар кенг аудитория томонидан 66 миллиондан ортиқ маротаба кузатилди.

Ватанимизнинг бой маданий мероси, бетакорр табиати ва замонавий ҳаётини маҳаллий ҳамда халқаро аудиторияга визуал контент орқали кенг тарғиб этиш мақсадида Марказий Осиёда ягона бўлган инновацион “Auga.uz” медиа банки ишга туширилди. Ҳозирги кунда ушбу платформада 6 терабайтдан ортиқ ҳажмдаги маълумотлар базаси шакллантирилган. Унда Ўзбекистоннинг деярли барча давлат ва нодавлат ташкилотларидан тўпланган 15 мингдан зиёд сифатли фото ва видеоматериал жамланган ҳамда база ҳар кўни мунтазам бойитиб борилмоқда. Мазкур лойиҳа яқин истиқболда глобал маконда Ўзбекистон ҳақидаги юқори сифатли визуал контент ҳажмини 1000 баробар ошириш ва юртимизнинг халқаро майдондаги ижобий имижини янги босқичга олиб чиқиш имконини беради.

Уч ой давомида республика бўйлаб ўтказилган медиахафталиклар соҳа учун кенг қамровли таълимий-амалий лойиҳалардан бири бўлди. Қорақалпоғистондан бошланган медиаэстафета юртимизнинг барча худудларини қамраб олди. Ҳар бир худудда беш кунлик интенсив машғулотлар ташкил қилиниб, сўнгий интеллект, замонавий контент яратиш, фактчекнинг, стратегик коммуникациялар, SMM, мобилография ва бошқа долзарб йўналишлар бўйича амалий дарслар ўтказилди.

Муҳими, иштирокчилар тайёр маърузаларни тинглаш билан чекланиб қолгани йўқ. Улар реал кейслар асосида ишлади, таҳлил қилди, таъриба алмашди ва мамлакатнинг етакчи муҳаррирлари, продюсерлари ҳамда медиа экспертлари билан бевосита мулоқот қилиш имконига эга бўлди. Медиафорум доирасида ушбу кенг қамровли лойиҳанинг натижалари сарҳисоб қилиниб, энг фаол иштирокчилар муносиб тақдирланди.

Ушбу медиафорум глобал рақамли таҳдидлар шароитида миллий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда давлат ва медиа ҳамжамияти ўртасида янги конструктив мулоқот муҳитини яратишда муҳим платформа бўлиб хизмат қилди. Анжуман доирасида илгари сурилган ташаббуслар эса мамлакатимиз ахборот суверенитетини таъминлаш ва миллий контент сифатини янги босқичга юксалтиришда пойдевор бўлиши шубҳасиз.

Аслиддин АБДУРАЗЗОҚОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Мамлакатимизда ҳар йили 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни кенг нишонланади. Касб байрами муносабати билан соҳа вакиллари шаънига идиқ сўзлар айтамиш, фидойилигини эътироф этамиш. Аммо бир мулоҳаза доим кишини ўйлантиради.

Яъни кўпчилик журналистларга ҳавас билан қарайди, машхурлик, шуҳрат қозониш учун осон, қўлай касб деб ўйлайди. Лекин ҳақиқатини айтиш, ёзиш, ҳолис ахборот тарқатиш осон иш эмас. Бу, аввало, одамдан юксак масъулият, юқори профессионаллик, фидойилик талаб этади. Шунинг учун журналистнинг нони қаттиқ деб бежиз айтишмаган.

## ХАЛҚ ВА ДАВЛАТ ЎРТАСИДАГИ КўПРИК



Қобилжон ТУРСУНОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси

Чунки журналистика чироили офис, салқингина хонада ўтириб ишлайдиган касб эмас. Бу ҳаёт билан юзма-юз келиш, жамиятнинг оғриқли нуқталарини ҳис қилиш, одамларнинг дарду таъвиши ҳақида қайғуриш, ҳар қандай воқеа-ҳодисаларнинг қайноқ нуқтасида бўлиш демакдир. У воқеалар ортидаги ҳақиқатни излайди, жамият кўрмаётган нуқталарни кўрсатишга интилади. Бир мақола орқали йиллар давомида ечим топмаган муаммо ҳал бўлиши, бир чиқиш сабаб бутун бир тизим ҳаракатга келиши мумкин. Шунинг учун журналистика ҳамisha машаққатли, бироқ шарафли касб сифатида эътироф этилади.

Кейинги йилларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ОАВ соҳаси билан боғлиқ муҳим ўзгаришлар юз берди. Энг аввало, очиқлик сиёсати

Мамлакатимизда ҳар йили 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни кенг нишонланади. Касб байрами муносабати билан соҳа вакиллари шаънига идиқ сўзлар айтамиш, фидойилигини эътироф этамиш. Аммо бир мулоҳаза доим кишини ўйлантиради.

Яъни кўпчилик журналистларга ҳавас билан қарайди, машхурлик, шуҳрат қозониш учун осон, қўлай касб деб ўйлайди. Лекин ҳақиқатини айтиш, ёзиш, ҳолис ахборот тарқатиш осон иш эмас. Бу, аввало, одамдан юксак масъулият, юқори профессионаллик, фидойилик талаб этади. Шунинг учун журналистнинг нони қаттиқ деб бежиз айтишмаган.

## ХАЛҚ ВА ДАВЛАТ ЎРТАСИДАГИ КўПРИК

Давлат бошқарувининг муҳим тамойилига айланди. Илгари жамоатчилик учун ёпиқ бўлган қўллаб масалалар бутун оммавий муҳокамага қўйилляпти. Давлат идоралари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш, аҳоли муурожаатларига муносабат билдириш, муаммоларини очиқ муҳокама қилишга талаб кучайди.

Бу ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Уларнинг замирида эркин фикрга эҳтиёж, жамиятнинг очиқ мулоқотта интилиши мусоаласдир. Ана шу жараёнда оммавий ахборот воситалари ва журналистлар давлат билан ўрин тутмоқда десак, адашмаймиш. Улар давлат ўрнин халқ ўртасидаги ишонч кўпригига айланиб бормоқда.

Айниқса, худудлардаги муаммоларни кўтариш, аҳолини қўйнаётган масалаларни жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқиш, мансабдорларни жаовбарликка қачирисда журналистиканинг таъсири яққол сезилмоқда. Бутун бирор масала матбуот ёки ижтимоий тармоқларда кенг ёритилса, унга муносабат билдириш давлат ташкилотлари учун одатий амалиётга айланди. Бу эса очиқлик муҳитининг жадал шаклланаётганидан далолат беради.

Мазкур янгиланишлар жараёни ортида бевосита давлатимиз раҳбарининг ўзи тургани барчамизнинг қалбимизда катта ғайр уйғотди. Айни дамда улкан масъулият ҳам юклайди.

Юртимизда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўнини нишонлаш шунчаки расмий таъдир эмас, балки сўз эркинлиги тамойилларига содиқлик, очиқлик ва ошкоралик сари қўйилган дадил қадамлар эътирофидир. Бу ОАВни чинакам тўртинчи ҳокимият сифатида эътироф этилиши, журналистларга катта ишонч билдирилиши ва мамлакатни янги тараққийёт босқичига олиб чиқишда уларнинг ўрни бекиёс эканининг ёрқин инфодасидир.





Одил ОЛИМЖОНОВ,  
иқтисодиёт фанлари доктори,  
профессор

2016 йилдан эътиборан, яъни тарихан ўта қисқа муддатда янги Ўзбекистоннинг сийсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳамда маданий пойдевори яратилди. Юртимиз қиёфаси, халқимиз дунёқараши тубдан ўзгарди. Лекин булар осонликча юз бергани йўқ. Президентлик лавозимига сайланиши билан Шавкат Мирзиёев ташаббуси ва раҳбарлигида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси ишлаб чиқилди ва дарҳол амалиётга жорий этишга киришилди. Мазкур стратегияни амалга ошириш ўта мураккаб масала бўлиб, унинг муваффақияти кўп жиҳатдан кадрлар билими ва савиясига боғлиқ эди.

Муайян сабабларга кўра, юртимизда ўша пайтда бунга қодир раҳбар ва мутахассислар етарли эмасди. Бунинг сабабларини тўлароқ тушуниш учун мустақилликнинг илк йилларини бир қур ёдга олишга тўғри келади. Мустақилликка эришганимизни халқимиз жуда катта қувонч билан қутиб олди. Уни



мустаҳкамлаш, янги, озод ва баркамол жамият барпо этиш учун кўтаринки руҳ билан астойдил ишлаш бошладик. “Ҳаётимиз тезда жуда яхши бўлиб кетади” деган ваъдалар такрор-такрор бериларди.

Халқимиз бу гапларга чин дилдан ишонгани бос, истиқлолнинг илк давридаги қийинчилик ва камчиликларга мардонавор туриб берди. Аммо қабул қилинган қонунлар, фармонлар, берилган ваъдалар реал ҳаётда ижобий ўзгаришга олиб келмаганини, турмушимизда даражаси ошмаётганини аста-секин англай бошладик.

Статистикада эса ҳаммаси жуда яхши эди. Барча рақамлар гўё фаровон жамият қураётганимизни кўрсатарди. Айниқса, макроиқтисодий ва турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичларни хоҳлаганча бўяб ташладик. Ёшлон қилинаётган рақамлар ижобий, бироқ турмушимизда мазкур ҳолат акс этмаётганди. Ҳақиқатни айтиш эса мумкин эмасди...

Тадбиркорлик ҳам асосан амалдор ёки ҳокимиятга яқин шахсларгина шугулланадиган юмуш бўлиб қолган, кўпчилик учун бу соҳа амалда ёпиб қўйилган эди. Натижада юртимизда аввал ҳеч қачон бўлмаган ҳодиса юз берди. Яъни ер ости ва ер усти бойликлари сероб заминда қад рўстлаган ҳурт ўзини ўзи

боқа олмай қолди. Одамлар иш излаб чет элга кета бошлади. Таълим тизими замонавий талабларга жавоб бермаслиги туфайли ёшларимизнинг билими паст эди. Боз устига бирор ҳунар эгалламай мактабни битиргани туфайли ҳам оддий қора ишчи даражасига тушиб қолганди. Мана шундай вазиятда кўлаб давлат хизматчилари ўз хизмат вазифасини қўл учидан бажара бошлаган, негаки яхши ишладан маъно йўқ эди гўё.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев узоқ йил ҳукм сурган ана шундай нохуш муҳит оқибатида раҳбарлик лавозимларида ўтирган катта авлод вакилларида муайян қисмининг онги қотиб, руҳи сўниб юргани жамиятимизнинг тараққиётига жиддий тўсиқ бўлиб қолганини ва бу ҳолатни тезда ўнгаш заруратини яхши биларди. Хуллас, у ҳокимиятга келган пайтда мамлакатнинг бошқарув даражаси тушиб кетган, давлат органлари раҳбар ва ходимларининг анчагина қисми касбий кўникмаларини аллақачон йўқотиб бўлганди. Мана шу сабабларга кўра, янги Ўзбекистонни барпо этиш учун замонавий билимларини эгаллаган, юқори савияли, масъулиятли, юз минглаб мутахассислар керак эди.

### Мутахассислар етиштириш асоси — таълим ва тарбия

Ўша кезлари мутахассис бўлиш учун дастлабки билим ва кўникма бериши керак бўлган таълим тизими бу вазифани бажаришга қодир эмасди. Шу бос, давлатимиз раҳбари, аввало, таълим ва фанни ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратди. Мактабгача тарбия, ўрта ва олий таълим тизими, жумладан, уларни бошқариш органлари тубдан ўзгартрилди.

Хусусан, фарзандларимизни боғча билан қамраб олиш кўрсаткичи 2016 йилдаги 23,8 фоиздан 2026 йил бошида 77 фоизга етказилди. Чунки фарзанд тарбияси, тартиб-интизомга ўрганиши, билимларни қабул қилишнинг илк кўникмаларини шакллантиришда мактабгача таълимнинг аҳамияти бекиёс.

Шунингдек, олий ўқув юртиларига қабул жараёнида деярли йўқ бўлиб кетган адолат мезонлари қайта тикланди. Олий таълимга қамраб олиш кўрсаткичи ҳам кескин оширилди ва 2016 йилдаги 7,2 фоиздан 2026 йил аввалида 43 фоизга етказилди. Энг муҳими,

Гарвард, Йель, Принстон, Колумбия, Корнелл каби энг нуфузли ОТМларда ўқиётган ёшлар 500 дан, ТОП-100 таликдаги олийгоҳларга қабул қилинган йигит-қизлар сони эса 3500 дан ошди.

## Янги Ўзбекистон орзуси

Президентимиз ташаббуси билан хорижда муваффақиятга эришган ватандошларимизни юртимизга қайтариш ҳаракати бошлангани жуда яхши самара бермоқда. Ҳақиқий бозор иқтисодиётини барпо этиш учун хорижий университетларни битирган, ишлаган, уни ўз ҳаётида кўрган ёшларни ишга жалб қилишнинг аҳамияти жуда катта бўлди. Бу ватандошларимиз жамиятимизга гўё тоза қон олиб кирди дейиш мумкин.



2026 йил 27 июнь, 129-сон

# Янги Ўзбекистонни барпо этишга қодир кадрлар тайёрлаш тизими яратилди



аксиома. Бироқ 2016 йилгача бўлган даврда халқимизнинг китобхонликка эҳтиёжи ҳам кескин тушиб кетган, ёшларнинг катта қисми умуман китоб ўқймай кўйганди.

Ушбу эзгу одатни қайта қарор топтириш мақсадида давлатимиз раҳбари ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини оммалаштириш, уларнинг бадий саводхонлигини ошириш ва мутлоа муҳитини шакллантиришга қаратилган “Ёш китобхон” танловини ўтказиш ташаббусини олға сурди. Танловнинг туман, шаҳар ва вилоят босқичи ғолиблари диплом ва қимматбаҳо совғалар, республика бўйича ғолиблари эса Президент совғаси сифатида автомашиналар билан тақдирланадиган бўлди. Мазкур танлов бутун мамлакатни қамраб олди ҳамда қатнашчилар сони 3 миллиондан ошди. Бу тадбир ёшларнинг китоб ўқишга муҳаббатини ва шу йўл билан онгини ҳам кескин ўзгартирди.

Президентимизнинг 2026 йил 22 майдаги “Ёшлар орасида китобхонлик дастурини кенг жорий этиш ва уларнинг қизиқишларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармоиши эса мамлакатимизда китобхонлик даражасини янада ошириш бўйича янги умуммиллий ҳаракатни бошлаб берди. Давлатимиз раҳбари мазкур ҳаракатга старт бериш маросимида сўзлаган нутқида “Мен ушбу дастурни шунчаки китоб ўқиш мусобақаси эмас, балки жонажон Ватанимиз келажаги учун стратегик инвестиция деб биламан. Агар биз бүгун болаларимизнинг қўлига яхши китоб берсак, эртага улар янги Ўзбекистоннинг буюк келажагини барпо этишга албатта қодир бўладилар”, деб алоҳида таъкидлади.

Мазкур умуммиллий ҳаракат ёшлар ўртасида китобхонлик даражасини кескин ошириш турган гап. Бу эса, ўз навбатида, янги Ўзбекистонни барпо этишга ҳар тарафлама тайёр ва билимли мутахассислар тайёрлашда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади. Зеро, инсоннинг онги юксак, билим чуқур бўлмаса, китоб ўқимаса, у фақат тирикчилик ғами билан яшайди. Катта муваффақиятларга эришиш ҳақида эса гап-сўз бўлиши мумкин эмас.

### Ишонч катта марраларга ундайди

Аввалги даврда ёшлар орасидан раҳбарлар танлаб олишга эътибор етарли бўлмаган. Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизини ташкил қиладиган ёшларга ишонч қарийб йўқ эди. Президентимиз бу масалада ҳам туб бурилиш ясади. Шахсан ўзи ёшлар билан учрашувлар ташкил эта бошлади. Мазкур мулоқотлар эркин фикр алмашуш тарзида ўтказилиши эса кўпчилиكنи ҳайратга солди. Ана шу тадбирларда давлатимиз раҳбари билан мулоқотда фавқулодда иқтидорини намоён этган талабаларнинг раҳбарлик лавозимларига тайинланиши ана шу ҳайратни чандон оширгани ҳам рост.

Бошқа томондан Президентимиз ташаббуси билан хорижда муваффақиятга эришган ватандошларимизни юртимизга қайтариш ҳаракати бошлангани жуда яхши самара бермоқда. Ҳақиқий бозор иқтисодиётини барпо этиш учун хорижий университетларни битирган, ишлаган, уни ўз ҳаётида

кўрган ёшларни ишга жалб қилишнинг аҳамияти катта бўлди. Бу ватандошларимиз жамиятимизга гўё тоза қон олиб кирди дейиш мумкин.

Ёшлар, жумладан, чет эллардан қайтиб келган йигит-қизларимиз орасидан нуфузли раҳбарлар етишиб чиқди. Улар аллақачон қатор вазирлик ва идораларда пешқадамликни қўлга олган. Бу ишларнинг мамлакатимиз ёшларига қанчалик ижобий таъсир қилганини сўз билан тушунтириш қийин. Салкам 30 йиллик даврда йўқолиб кетаяётган илм олишга интилишнинг яна қайта тикланишида китобхонликни кучайтириш, ёшларни, жумладан, хориждаги йигит-қизларимизни раҳбарлик ишларига кенг жалб этиш жуда катта аҳамият касб этди.

### Очиқ танлов жорий этилди

Президентимиз 2022 йил 4 август куни давлат хизматини ислоҳ қилиш ва бошқарувда натижадорликни оширишга бағишланган видеоселектор йиғилишида “Охириги йилларда амалга оширилган маъмурий ислохотлар натижасида давлат хизматчилари халққа анча яқинлашгани, маҳаллабай ва хонадонбай ишлаш тизими йўлга қўйилгани, лекин давлат хизмати ҳали халқни чинакам рози қиладиган тизимга айлана олмагани”ни қайд этди ҳамда давлат хизмати фаолиятининг камчиликларини очиб берди. Жумладан, қўбиятнинг аниқлаш, ўқитиш жараёнини яхши йўлга қўйишга ўргатадиган ихтисослашган яхлит тизим бўлмагани учун айрим раҳбар кадрлар берилган вазифаларни эплай олмаяпти. Масъул лавозимларда ишлаётган раҳбар ва мутахассисларни тўғри танлаш, тайёрлаш ва руҳлантириш талаб даражасида йўлга қўйилмагани ҳам улар фаолиятидаги камчиликларнинг асосий сабабларидан бири бўлмоқда.

Бу муаммоларни бартараф этиш учун қатор тадбирлар белгиланди. Хусусан, барча вакант лавозимларни очик ягона электрон платформага жойлаштириш тизими йўлга қўйилди. Бўш лавозимга танловда иштирок этиш учун аввал талаб этилаётган 16 та ҳужжат сўраш тартиби бекор қилинди ва барча жараён электрон шаклга ўтказилди. Номзоднинг билими, тажрибаси ва салоҳияти очик танлов орқали аниқлана бошлади. Ишга қабул қилиш бўйича очик танлов тизими барча идораларда жорий қилинди. Шу мақсадда олий ўқув юртилари дипломи ва меҳнат дафтарчаларини мавжуд электрон базга аффилиқ қилинди.

Давлат хизматида ишга келиши эҳтимоли бўлган ёшлар учун раҳбарлик поғоналарида ўқиш имкониятининг мавжудлиги ўта муҳим. Ана шу мақсадда давлат идораларида “маҳалладан — республикага” тамойили асосида кадрларни шакллантиришнинг замонавий тизими жорий қилинди. 2022 йилда ҳокимларнинг маҳаллалардаги ёрдамчилари ва ёшлар етакчиси тизимларининг жорий этилган бу борадаги ислохотларнинг амалий ифодасидир.

Шу билан бирга, давлат хизмати сифатини ва бошқарувда натижадорликни оширишнинг яна бир муҳим йўналиши давлат

хизматчиларини тайёрлаш ва малакасини оширишдир. Тез ўзгараётган бугунги шароитда раҳбар ва мутахассислар ўз устида тинмай ишлаши зарур. Акс ҳолда, улар замондан орқада қолиб кетиши мумкин. Шу босис, вазирликлар тизимидаги 110 та малака ошириш маркази ва курслари фаолияти қайта қўриб чиқилди. Ўқитиш дастурлари ва методикалари янгиланди. Уларга малакали мутахассисларни жалб қилиш бўйича манзилли дастур тасдиқланди.

### Халқ қабулхоналари дунёқарашни ўзгартирди

“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак” деган эзгу ғоя асосида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан халқ қабулхоналари тизими яратилган эди. Пухта ўйланган ушбу тизим раҳбарларни халққа яқинлаштиришга хизмат қилди. Улар тафаккуриимизни, онгимизни тубдан ўзгартирди. Амалдорларнинг халқ олдидаги масъулияти кескин ошди.

Ҳамма идора ва ташкилотларда “Фуқаролар қабулхоналари” ташкил этилди. Давлат хизматлари агентлиги тузилди ва бу йўл билан битта ҳужжат олиш учун аҳолининг қатор идораларда сарсон бўлиб юришидек ҳолатга барҳам берилди. 10-15 та идорадан бир неча ой мобайнида овора бўлиб йнғадиган ҳужжатларимизни битта ташкилотдан оладиган бўлдик.



Президентимизнинг 2026 йил 1 апрелдаги “Аҳоли билан мулоқот тизимини самарали ташкил қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида жорий йил июндан бошлаб аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда фуқаролар муаммоларини жойида ҳал этиш мақсадида ҳудуд раҳбарларининг Халқ қабулхоналаридаги қабул кунлари ва вақти белгиланди, қабул жадвали тасдиқланди.

Унга кўра, энди Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши раислари, шунингдек, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимлари белгиланган кунларда фуқароларни шахсан қабул қилади. Демак, янги Ўзбекистонда одамлар

арзини айтгани идораларга эмас, амалдорлар аҳоли дардини эшитиш учун уларнинг олдида бормоқда.

### Бошқарув амалиётида муҳим янгилик

Шавкат Мирзиёев Президентлик лавозимига келгандан кейин ҳудудлар ва алоҳида корхоналарга тез-тез ташриф буюра бошлади. Давлат раҳбарининг вилоятларга йилда бир неча мартадан бориши, ҳудудларда камида икки кундан бўлиши, вилоят ҳамда туман раҳбарларининг ҳали назари тушмаган энг чекка қишлоқларга ҳам етиб бориши, халқ билан очик мулоқот қилиши, муаммоларни жойида ўрганиши ва энг муҳими, масалаларни ўша пайтнинг ўзида, жойида ҳал этиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилиши жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

Тўғри, шу кунга қадар ҳам давлат раҳбарларининг ҳудудларга ёки баъзи корхоналарга бориши ва муаммоларни жойида ҳал этиш амалиёти бор эди. Лекин бу тадбир давлат раҳбарининг йил давомидаги доимий иши эмас, балки фавқулодда ҳолатларда юз берар эди. Яъни қайсидир ҳудудни сув босса, ер қимирласа, йирик корхона оғир аҳволга тушиб қолса ва шунга ўхшаш табиий офат ёки фавқулодда ҳодисалар содир бўлганда мамлакат раҳбарининг у ерга зудлик билан етиб бориши ва салбий ҳолатлар оқибатларини бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирлар қўриши тажрибаси мавжуд эди.

Лекин Президентимиз давлатни бошқариш амалиётига муҳим янгилик олиб кирди. У давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ташкил этиш ва бошқариш жараёнида бугун жаҳонда янги ҳодиса сифатида эътироф этилаётган усулни кашф этди. Бу ташрифлар айрим давлатларда айна пайтда юз бераётган ёки бир пайтлар ўзимизда бўлганideк бирор ҳудудга шунчаки эрталаб бориб, номига 2-3 та объектни кўриб, куннинг иккинчи ярмида пойтахтга қайтиб келишдан тубдан фарқ қилади.

Мазкур сафарлардан асосий мақсад муайян вилоят ёки йирик корхонадаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларини бошқариш бўйича тегишли фармон қарорларини Тошкентда, салкин кабинетларда ўтириб тайёрлаш эмас, аксинча, муаммоларни бевосита жойида аниқлаш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ҳудудлар вакиллари билан биргаликда ишлаб чиқишдир.

Бу усулнинг бошқалардан устунилиги ва афзалликлари кўп. Чунки вазирлик ёки ташкилот раҳбари ҳар қанча салоҳиятли бўлмасин, кабинетда ўтириб, ҳудуд ёки корхоналарнинг муаммоларини тўғри аниқлай олиши, ич-ичидан тушуниши, ҳис қилиши

қийин. Шу босис, ташрифдан бир неча кун олдин вазирлик ва ташкилотлар раҳбарлари вилоятларга йўл олади. Муҳим тармок ва соҳалар объектларини ўз кўзи билан кўриб, муаммоларини аниқлайди, тегишли мутахассис ва вакиллар билан биргаликда вазиятни ўнгаш бўйича зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқади.

Президентимиз қисқа муддатда янги Ўзбекистонни барпо этишга қодир кадрлар тайёрлаш тизимини яратди. Натижада бугунги раҳбар давлат хизмати сифати ва ислохотларнинг натижадорлигини ошириш учун етарли салоҳият ва билимларга эга бўлди. Уларда аҳоли розилигига эришиш йўлида фидокорона меҳнат қилиш кўникмалари шаклланди.



# Қадим қишлоқнинг замонавий қиёфаси



Туман марказидан ўн уч чақирим олисда, 6000 дан ортиқ одам яшайдиган қишлоқдаги ҳаёт тарзида ўзгаришлар бўйи кўрсатмоқда. Ўтган йили худуд “оғир” тоифадаги маҳалларда қаторига киритилган эди. Шундан кейин маҳалланинг инфратузилмасини яхшилаш учун бюджетдан 3 миллиард сўм ажратилиб, ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Гавҳар, Фирдавс, Хазина кўчаларидаги 150 дан ортиқ хонадондаги томорқалар ва 54 та ижара ерининг сўғориш тизimini яхшиланди. Саховатўй, Сахий, Кўхунур, Қизгалдоқ кўчаларидаги электр таъминоти барқарорлаштирилди. Натижада 450 дан ортиқ хонадон ва 18 та тадбиркорлик субъекти узлуксиз электр билан таъминланганди.

Бугун маҳаллада кўтаринки қайиғат ҳукмрон. Файзли кўчалар, аҳоли хонадонларида бошланган бунёдкорлик ишларига ҳавасингиз келади. Йўللар раvon, тунда ҳам кундуздек чароғон. Эски қишлоқ дўконлари ўрнида қурилган муҳташам машинай техникалар дўкони гавжум. Замонавий хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш тармоқлари қишлоқда саннат тармоқлари ривожланиб, аҳоли фаровонлиги ортиб бораётганидан дарак беради.

— Бундан ўн йиллар аввал маҳалламизда айтишга арзигулик ишлаб чиқариш корхонаси, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаси бўлмаган, — дейди “Қоровултепа” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муҳаммаджон Шарофидинов. — Ҳозир 40 дан ортиқ тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш субъектлари ташкил этилган. Мебелчилик маҳалламиз драйверига айланган. Устоз-шогирд анъаналари туфайли ёшлар касб-хунар ўрганиб, элга хизмат қилиб, даромадли бўлапти, рўзгор тебратаяпти. Бундан ташқари, сугурти етиштириш, чорвачилик йўналишида меҳнат қилиб даромад топаётган оилалар кўпайиб бормоқда. Сешанба, шанба кунлари сугурти бозори ташкил этилган. Шу тариха аҳоли етиштирган тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар улгуржи нархларда сотилади.

Маҳаллада мебеллар учун хомашё ва бутловчи қисмлар таъминотида ихтисослашган иккита корхона, ўндан ортиқ мебел ишлаб чиқарувчи кичик устaxonалар фаолият юритаяпти. “Достонбек Гавҳари” оилавий корхонасида тайёрланаётган мебеллар



дейди маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Элёржон Усмонов. — Ҳозиргача шу каби ишлар учун 2,04 миллиард сўмлик кредит ажратилди. Томорқачилик йўналишида 15 фуқарога 61 миллион сўмлик субсидия ва сусда бериляпти. Маҳалладаги сўғориш тизимларидан самарали фойдаланиш мақсадида бу йил учта тил қудуқ қазилди. Ариқларнинг 2,5 километр қисми бетонланди. Учта трансформатор

ўрнатилиб, 5 километр узунликда электр тармоғи тортилди. Янги таянч устунлар ўрнатилди. Натижада деҳқончилик ва тадбиркорлик янада ривож топади, аҳоли томорқалари ва ижарага берилган ердан кўпроқ даромад топиш имкони пайдо бўлади.

Маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси бизни Нозимжон Абдуллаевнинг хонадони сари бошлади. Аввалига бу ерга нима учун келганимизга ҳайрон бўлдик. Эътиборимизни шовдан шохга қўниб, сайраётган турфа рангли кушлар тортиди. Нозимжон кушларни парваришлайдиган тадбиркорлардан экан. Унинг хонадониди бўлган киши сайроқи кушлар овозидан баҳра олади. Бу ерда 12 турдаги кушлар, 4-5 хил ажабтовур товуқ, кабутарлар кўпайтириляпти.

— Бу ишни бошлаганимизга кўп бўлмади. Аммо меҳнатимиз самарасидан кўнлимиз тўляпти, — дейди Нозимжон. — Бир жуфт куш икки ойда 200 тага кўпаяди. Бу қарийб 15 миллион сўм даромад дегани. Кушлар билан тилашиш осон эмас, албатта. Озгина эътиборсизлик, ноўрин ҳаракат билан уларга озор бериб қўйиш мумкин. Фарзандларим ва набираларимни ҳам уларга яхши муносабатга бўлишга ундаймиз. Тولىққанмида сайроқи кушларнинг ўйноқи ҳаракатини, турфа рангда товланишини кузатиб баҳра оламан. Сув бериб, дон сочиб парваришлайман. Ҳозир ишимиз кўламини янада кенгайтириш учун изланишдамиз.

Қоровултепанинг бошқа қишлоқлардан яна бир фарқи жиҳати бор. Меҳнат фариҳси Ғанижон Абдуллаев саъй-ҳаракати билан бу ерда мўъжаз музей ташкил қилинган. Қишлоқ аҳли билан суҳбатлашиб, одамларнинг қалбида ҳаётдан розилик, замон билан ҳаммафас ҳолда олға интилиш, фаровонлик ва ободликка хизмат қилиш туйғулари жўш

ураётганини англадик. Тобора кўркамлашиб бораётган қишлоқ кўчалари, қад ростлаётган ижтимоий-маиший, савдо ва ишлаб чиқариш объектлари кўҳна қишлоққа янгича руҳ бермоқда.

Расулжон КАМОЛОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

## ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР: ЖАРАЁН ВА НАТИЖА

### Фаровонлик харитаси

Сурхондарё — қуёш нурларидан куч олиб, тарих ва тараққиётни бирлаштирган бетакрор воҳа. Бугун бу заминда янги иморатлар қад ростлапяти, ишлаб чиқариш қувватлари кенгайиб, аҳолининг фаровонлиги тобора ошмоқда. Айниқса, маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш ҳамда агросаноат тармоғини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган йирик лойиҳалар амалга ошириляпти.

Богдорчилик қишлоқ хўжалигининг асердаромад, истиқболли соҳаларидан. Ҳозир сонининг ўсиши, сифатли ва экологик тоза маҳсулотга талабнинг ортиши, экспорт бозорларининг кенгайиши каби омиллар богдорчиликни иқтисодийдета муҳим ўринга олиб чиқаяпти. Жаҳон тажрибасига эътибор қаратсак, Туркия, Испания, Италия каби давлатларда интенсив богдорчилик юқори даражада ривожланган. Бу худудларда замонавий агротехнологиялар, хусусан, сув тежовчи технологиялар кенг жорий этилган.

Сўнгги йилларда бундай илғор тажрибаларни ўрганиш ва амалиётга табиқ этиш орқали мамлакатимизда ҳам богдорчилик соҳаси изчил ривожланиб бормоқда. Давлатнинг

қўллаб-қувватлови, соҳага инвестицияларни кенг жалб қилиш, янги интенсив боғлар барпо этиш ва экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган ислохотлар самара бермоқда. Ҳозир вилоят худудида саноатлашган ва интенсив боғлар майдони кенгайиб бормоқда.

Жумладан, жорий йилда Сурхондарёда 50 минг гектар майдонда суперинтенсив саноатлашган боғлар ташкил этиш режалаштирилган. Бу борада Термиз, Денов ва Олтинсой туманлари намунавий худудга айлантирилиши белгиланган. Термиз тумани Айритом маҳалласидаги замонавий боғ ҳам ана шу ислохотларнинг яна бир амалий натижаси.

— Биз ташкил этган саноатлашган боғнинг умумий майдони 109 гектар. Бу ер аввал



унамдор, аммо анъанавий усулда фойдаланиладиган худуд бўлган. Кейинчалик инвестиция киритдик. Натижада анъанавий боғни замонавий лойиҳа асосида интенсив боққа айлантирдик, — дейди тадбиркор Воҳиджон Саъдиев.

Боғнинг 50 гектарида шафтолизор барпо этилган. 2022 йилда экилган кўчатлар қисқа муддатда баравж кўкариб, ҳозир мўл ҳосил бериб келмоқда. Бу ерда етиштирилган мева Россия, Қозғоистон ва бошқа давлатларга экспорт қилинмоқда. Бугун ҳам боғда шафтоли терими жадал давом этаётди.

Яқин йилларгача Жиззах номи тилга олинганда асосан пахтазорлар, ғалла далалари, Мирзачўлдаги машаққатли ҳаёт кўз олдимизга келарди. Республиканинг бошқа худудларида яшайдиганлар эса Жиззахни эслаганида фақат унинг машхур сомсасини айтарди. Вилоят саноати ҳақида гап кетганда эса пахта тозалаш корхоналари саноқли ишлаб чиқариш объектлари тилга олинарди, холос. Гўё виллоятнинг қисматига азалдан аграр худуд бўлиб қолиш муҳрлангандай туюларди.



Ўзбекистондаги янгиланишлар нафаси барчасини ўзгартирди. Бугун Жиззах мутлақо янги қиёфадаги замонавий иқтисодий маконга айланди. Энди бу заминда ҳаёт фақат далаларда эмас, балки улкан саноат корхоналари, замонавий ишлаб чиқариш мажмуалари, логистика марказлари ва индустриал зоналарда ҳам жўш урмоқда. Янги завод-фабрикалар барпо этилиши, йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси ривож виллоятнинг иқтисодий салоҳияти йил сайин юксалиб бораётганини кўрсатмоқда.

Энди Жиззах нафақат ердан ризқ ундирувчи, балки юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқараётган, инвестициялар жалб қилаётган, экспортбоб саноат маҳсулотлари тайёрлаётган ва минглаб янги иш ўринлари яратаятган стратегик худудга айланиб бормоқда. Айниқса, саноат, хизмат кўрсатиш, туризм, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, тўқимачилик, электротехника ва автомобилсозлик соҳаларида улкан ўзгаришлар кузатишмоқда.

Шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси кун сайин кўркамлашмоқда. Замонавий кўп қаватли уй-жойлар, савдо марказлари, хизмат кўрсатиш мажмуалари, янги мактаб ва боғчалар, тиббиёт муассасалари қад ростламоқда. Йўллар таъмирланиб, электр энергияси, табиий газ ва ичимлик сув таъминоти билан боғлиқ муаммолар босқичма-босқич ҳал этилмоқда. Натижада аҳоли учун янада қулай ва муносиб яшаш муҳити яратилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида виллоятда 9,1 триллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Бу Жиззах иқтисодий тизимига янги босқичга кўтарилаётганига ёрқин далилдир. Албатта, 107,8 фозили ўсиш суръати тасодиф эмас, балки пушта ўйланган стратегия ва изчил ислохотлар натижасидир. Аҳамиятисиз, ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан қўшимча 1,8 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Бу ҳам иқтисодийдета ҳақиқий жонланиш бошланганини тасдиқлайди.

Автомобилсозлик тармоғи виллоят саноатиди етакчи ўринни эгаллайди. Хусусан, “ADM JIZZAKH” масъулияти чекланган жамияти виллоят саноатининг ҳақиқий драйверига айланган. 2020 йилда ташкил этилган мазкур корхона қисқа вақт ичиди мамлакат автомобилсозлик саноатининг энг йирик объектиларидан бири сифатида шаклланди. Бугун бу ерда 2692 ишчи ва мутахассис меҳнат қилмоқда. Бу рақамлар ортида минглаб оилаларнинг барқарор даромади, ёшларнинг келажакка ишончи ва замонавий касб-хунар эгаллаётган инсонлар тақдир мужжасам.

Корхонада ҳар куни ўртача 192 донангил ва тижорат автомобил ишлаб чиқарилмоқда. Сўнгги уч йилда унинг ўсиш суръатлари йилдан йилга ошиб борди. Хусусан, 2023 йилда 25 минг донангил ишлаб чиқарилган бўлса, 2024 йилда 32 минг 528 донангил етди. 2025 йилга келиб эса ишлаб чиқариш ҳажми 445 минг 741 донангил ташкил етди. 2026 йилда корхона томонидан 60 минг донангил ишлаб чиқариш режа қилинган.

Молиявий кўрсаткичлар ҳам корхона фаолиятидаги улкан иқтисодий ўсишни тасдиқлайди. Агар 2023 йилда ишлаб чиқариш ҳажми 8,7 триллион сўмни ташкил этган бўлса, 2025 йилга келиб 12,2 триллион сўмдан ошди. Уч йил ичиди жами 30,9 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Иқтисодий ўсишнинг муҳим натижаси инсонлар ҳаётида яққол намойи бўлмоқда.

— Бир пайтлар тирикчилик учун узоқ юртларда ишлаб юрардим, — дейди завод ишчиларидан бири Хуриш Пардаев. — Оиламдан, фарзандларимдан оилаб узоқда юриш осон эмас эди. Айниқса, фарзандлар тарбияси ва таълимига етарлича эътибор бера олмаслик инсоннинг юрагини узди. Бугун ҳаётим мутлақо ўзгарди. Жиззахда “ADM JIZZAKH” заводи ишга тушди. Шундан сўнг мен учун янги ҳаёт эшиги очилди. Ҳозир ўз юртимда, ўз оилам бағрида ҳалол меҳнат қилиб, барқарор даромад топиаман. Энг катта бахтим — фарзандларим ҳар куни бағримда. Уларнинг таълим-

тарбияси билан шуғулланишга, ота сифатида елкадош бўлишга вақт ва имконият топиаман. Бугун меҳнатим орқали оилам шаронти яхшиланмоқда. Келажак учун катта режаларим бор — уй, машина олиш, фарзандларимни яхши ўқитиш. Муҳими, эртанги кунга ишонч пайдо бўлди. Биз каби минглаб инсонларга ўз юртида муносиб иш шаронти яратиб берилаётгани учун чексиз миннатдорман. Чунки инсон учун энг катта бахт ватанида, оиласи бағрида меҳнат қилиб яшашдир.

Арноасой тумани сўнгги йилларда иқтисодий тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйди. 2025 йилнинг ўзиди туманда 103,2 миллион доллар тўғридан тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилди. Мазкур кўрсаткич 2024 йилдагидан тўрт баробар ошган. Бу инвесторлар учун яратилган қулай муҳит, солиқ имтиёзлари ва инфратузилмавий имкониятлар самара бераётганини кўрсатади.

Туманда 35,3 миллион долларлик 10 та йирик лойиҳа ишга туширилди. Натижада 200 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Виллоят инвестициялар, саноат ва савдо бошқармаси Арноасой тумани бўйича бош мутахассиси Сирожиддин Назаровнинг айтишича, сўнгги йилларда туманда 16 та хорижий компания ташкил этилди. Қарийб 300 миллион долларлик инвестиция жалб қилинди. Бу маблаг ҳисобига 800 та янги иш ўрни яратилгани эса ижтимоий барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб етмоқда.

Айни пайтда туманининг экспорт салоҳияти ҳам изчил ошиб борапти. Ҳозир экспорт ҳажми 15 миллион долларга етган бўлса, яқин ишқибода 40 миллион долларлик марра режа қилинган. Жорий йилнинг ўзиди экспорт ҳажмини 20 миллион долларга олиб қиқши мўлжалланаяпти. Бу каби режалар туман саноатиди юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш улуши ортиб бораётганидан далolat беради.

Арноасой иқтисодийдета кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муҳим драйверига айланган. Кейинги йилларда тадбиркорлик субъектлари сонин 400 тадан 945 тага етди. Қўшимча 250 миллиард сўмлик саноат ҳажмлари яратилди.

Тумандаги йирик саноат лойиҳалари диққатга сазовор. Хитойлик ҳамкорлар билан бирга йилга 500 тонна кукун шаклидаги металл бўёқлар ишлаб чиқариш ҳамда бир суткада 130 минг донангил тайёрлаш қувватига эга заводлар ишга туширилди. Қиймати 63 миллиард сўм бўлган замонавий тикувчилик фабрикаси фаолият бошлади. Ушбу корхона йилга 3 миллион долларлик тайёр трикотаж маҳсулотлари экспорт қилиш имкониятига эга. Фабрикада 300 га яқин хотин-қиз доимий иш билан таъминланган. Бу эса иқтисодий ўсиш билан бир қаторда ижтимоий масалалар, хусусан, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасида ҳам муҳим қадам бўлди. Корхонада бир йилда икки минг тонна тайёр трикотаж кийим-кечак ва енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши натижасида давлат бюджетига қарийб 8 миллиард сўмлик иқтисодий самара келмоқда.

Жиззахнинг бугунги тараққиётни рақамлардаги оддий иқтисодий кўрсаткичлардагина эмас, инсонлар ҳаётида ҳам реал воқеали сифатида буй кўрсатмоқда. Заводлардан таралаётган механизмлар садоси, янги қурилиш майдонларидаги ҳаракат, эрталаб ишга шошаётган инсонларнинг қадамларида янги даврнинг нафаси ва янгиланиш руҳи мужжасам.

Фарҳод НЕЪМАТОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

учун катта қулайлик. Барқарор газ таъминоти ишлаб чиқариш жараёни узлуксизлигини таъминлаш, хомашёни қайта ишлаш ва иссиқхона мажмуаларининг самарали фаолият юритишига хизмат қилади. Шунингдек, сифатли сув таъминоти маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш ҳамда санитария талабларига риоя этишда муҳим омил. Натижада тадбиркорлар учун ишончли ва барқарор инфратузилма муҳити шаклланиб, ишлаб чиқариш харажати оптималлашди, маҳсулот сифатини ошириш имконияти кенгайди ҳамда эркин иқтисодий зонанинг умумий унамдорлиги юқори даражага чиқди.

Эркин иқтисодий зона доирасида замонавий логистика, қайта ишлаш, сақлаш ва қадоқлаш инфратузилмаларини шакллантириш режалаштирилган. Бу маҳаллий маҳсулотларни ташқи бозорларга тез ва рақобатбардош тарзда етказиб бериш имкониятларини сезиларли даражада оширади.

Худуднинг иқтисодий тараққиётни ва инвестициявий жойбадорлигини оширишга қаратилган ушбу ташаббус билан бирга автомобиль йўллари инфратузилмасини яхшилаш, янги йўللар барпо этиш ҳамда мавжуд йўллари таъмирлаш ишлари ҳам бажаришмоқда. Бу эса логистика жараёнини енгиллаштириб, юк ташиниш ва маҳсулот етказиб бериш самарадорлигини оширади. Шу тариха Сурхондарё экспортга йўналтирилган замонавий иқтисодий марказ сифатидаги мавқеини янада мустаҳкамлашмоқда.

Сарвар ТўРАЕВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири





**Олимжон ЎСАРОВ,**  
**мудофаа вазирининг**  
**ватанпарварлик тарғиботи,**  
**маънавий-маърифий ишлар**  
**ҳамда ёшлар масалалари**  
**бўйича маслаҳатчиси**

Бошланиши 1-бегда  
Жанговар тайёргарликдан  
“проактив армия” сари

Армия бугун фақат ҳудудий дахлсизликни таъминловчи куч эмас, балки давлат барқарорлиги, жамият хотиржамлиги ва келажак тараққиётининг асосий таъинига айланиб бормоқда. Президентимиз, Қуrolли Кучлар Олий Бош Қўмондонини Шавкат Мирзиёев бебаҳо бойлик бўлиши тинчлик ва хотиржамликни асраб-авайлаш учун ҳар бир соҳа ва тармоқ, айниқса, миллий армия хавф-хатарларга олдиндан жавоб қайтариш бўйича “проактив иш режими”га ўтиши шартлигини қатъий кўрсатиб ўтди.

Проактив армияда инсон капитали катта ўрин тутади. Бунинг аяққол мисолини “Аскар фақат жангчи эмас, келажак мутахассиси” деган принципнинг ҳаётга изчил жорий қилинишида кўраимиз. Давлатимиз раҳбарининг энг муҳим ташаббусларидан бири мuddатли ҳарбий хизматга янгиҳа, кенг ижтимоий вазифа сифатида ёндашув белгилаб берилгани бўлди. Президентимиз мuddатли хизмат нафақат жисмоний, гоъий ва ҳарбий тайёргарлик, балки ёшларни меҳнат бозорига, мустақил касбга тайёрлайдиган ҳаётий босқичга айланиши кераклигини қайд этди. Шу маънода, мuddатли ҳарбий хизматнинг ижтимоий функциясини тубдан ўзгартириш — давр талаби.

“Битта аскар — битта касб”  
тамойили

Янги тизимга кўра, ҳар бир аскар хизматни ўташ давомида ватанини ҳимоя қилиш билан бирга ҳаётда зарур бўлган камида битта касбни эгаллаши шарт. Бунинг учун ҳарбий қисмларда махсус 3-6 ойлик ўқув курслари ташкил этилди. Дастур якунида бериладиган малака сертификатни йигитлар учун меҳнат бозорига кириш ҳужжати вазифасини ўтайди. Бу, шубҳасиз, “Битта аскар — битта касб” тамойилининг амалий самарасидир.

Бугунги жанг майдонларида жисмоний кучдан ташқари интеллект ва алгоритмлар тўқнашмоқда. Шунинг билан бирга, Мудофаа вазирлиги тизимида ёшларни рақамли технологияларга ўқитиш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ҳар йили энг иқтидорли 5000 аскар саралаб олинди, “Бир миллион дастури” ва “Беш миллион сунъий интеллект етакчиси” дастурлари доирасида таълим олиши йўлга қўйилди. Бу энди аскарлар мuddатли ҳарбий хизматни тутатиб, уйига замонавий АТ мутахассиси, дастуричи ёки маълумотлар таҳлилчиси бўлиб қайтади деганидир. Бу эса армиянинг мамлакат иқтисодий ва технология тараққиётига, рақамли экотизим шаклланишига катта ҳисса қўшишга киришганини аниқлатади.



Илгари фарзандининг имконияти чекланганидан эътибор, уни жамиятга қўшиши келмаган ота-оналар бугунги ғамхўрликдан миннатдор. Маҳаллалардаги ижтимоий ҳодимларнинг эзгу ҳаракати, “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари фаолияти ортида инсон қадри турганини бутун халқ ҳис қилмоқда.

Бугун аскар йигитлик бурчини адо этиш чоғида олий ўқув юртига кириш учун тест топшириш имконига эга. Тестдан муваффақиятли ўтгач, хизмати тугаши билан тўғридан тўғри талабалikka қабул қилинади.



30 июнь — Ёшлар куни

# НАВҚИРОН АВЛОДНИНГ МУВАФФАҚИЯТ ФОРМУЛАСИ

Интеллектуал капиталга сармоя: имтиёзлар ва кафолатлар

Кейинги йилларда давлатимиз ёшларнинг пухта билим олиши учун барча имкониятларни яратиб бермоқда. Армияда хизмат ўтаётган ёшларга яратилган шароитлар, берилаётган имтиёзлар фикримизнинг яққол тасдиғи. Бугун аскар йигитлик бурчини адо этиш чоғида олий ўқув юртига кириш учун тест топшириш имконига эга. Тестдан муваффақиятли ўтгач, хизмати тугаши билан тўғридан тўғри талабалikka қабул қилинади.

Хорижий тилларни ўрганиш ва халқаро сертификатлар (IELTS, TOEFL ва ҳоказо) олиш харажатиинг давлат томонидан қопланиши, шунингдек, контракт асосида ўқишга кирганларга фоизсиз таълим кредити ажратилиши ёш ҳарбийларнинг келажагига энг катта инвестиция дея баҳоланмоқда.

Янги Ўзбекистонда давлат органлари халққа хизмат қилиши керак деган тамойил устувор. У мудофаа тизимида ҳам қатъий ўрнатилди. Ҳар пайшанба куни вазирилик, идора ва ҳарбий қисмларда “Ёшлар куни” сифатида ўтказилаётгани армия ва жамият ўртасидаги ишонч кўпригини янада мустаҳкамлади.

Мудофаа вазирининг махсус буйруғи билан ташкил этилган ушбу тизим доирасида “Ҳарбий қисм еттилиги” ҳар бир ёш ҳарбий хизматчининг, ҳар бир аскарнинг муаммосини индивидуал ўрганоқда. Дадил айтиш жоизки, муаммоларни аширадиган, камчиларни хаспўшлайдиган даврлар ўтди. Бугунги очиклик сиёсати ҳар бир шикоят ва тақлифнинг эшитилишини, ҳар бир муаммонинг конструктив ечим топишини кафолатлайди.



Жамиятнинг элита қатлами

Армиядан қайтган ёшларнинг жамиятга ижтимоий-иқтисодий мослашиши ва иш билан таъминланиши Мудофаа вазирлиги ва бошқа тегишли вазирликларнинг доимий эътиборида. Қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ, тадбиркорлик қилиш истагидаги ҳарбий хизматни ўтаган ёшлар учун кредит фозларининг бир қисми давлат томонидан қопланиши, давлат ташкилотларига ишга киришда бериладиган 10 фозли имтиёзли баллар армия хизматини ўтаган йигитларнинг жамиятнинг элита қатламга айланиши учун хизмат қилмоқда.

контракт бўйича ҳарбий хизматчилар, олий ҳарбий ва олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари курсантлари, ҳарбий академик лицейлар ўқувчилари ўртасида 4 босқичда ўтказилади.

Китобхонлик танловининг республика босқичида вазирилик ва идораларнинг мuddатли ҳарбий хизматчилари, контракт бўйича ҳарбий хизматчилари, курсантлари ҳамда ўқувчилари орасидан 1-ўринни эгаллаган 4 ғолибнинг ҳар бирига Олий Бош Қўмондоннинг бош сори — электромобиль ҳамда диплом топширилади. 2-ўринни эгаллаган 4 совриндорнинг ҳар бири БХМнинг 100 баробари миқдорда бир йўла тўланадиган пул мукофоти ҳамда диплом, 3-ўринни эгаллаган 4 совриндорнинг ҳар бири эса БХМнинг 70 баробари миқдори-

да бир йўла тўланадиган пул мукофоти ҳамда диплом билан тақдирланади.

Энг муҳим рағбатлардан бири: китобхонлик танловининг республика босқичида 1-



Бу саъй-ҳаракатлар натижасида “Мuddатли ҳарбий хизмат — ёшлар учун муваффақият йўли” деган шиор ҳақиқий воқеликка айланди.

Маънавият қалқони

Президентимизнинг “Қуrolли Кучлар тизимида республика китобхонлик танловини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, 2026 йилдан бошлаб, ҳар йили “Маънавият қалқони” республика китобхонлик танлови мuddатли ҳарбий хизматчилар,

2- ва 3-ўринлардан бирини эгаллаган мuddатли ҳарбий хизматчиларнинг хизмат мuddати рағбатлантириш тариқасида 1 ойга қисқартирилади.

Шу билан бирга, ҳарбий қисм ва муассасаларнинг кутубхона фонди кескин бойитилмоқда. Жорий йилда жами 1 миллион нусаҳадаги дунё ва ўзбек адабиёти дурдоналари ҳарбийлар ихтиёрига топширилади.

Киберспортдан дрон бошқарувигача: юксак технологиялар полигони

Қуrolли Кучларимизда жисмоний тайёргарлик доим биринчи ўринда бўлиб келган. Кўпкураш, қўл жанги ва оғир атлетика каби аънавий спорт турлари аллақачон ҳарбий ҳаётнинг ажралмас қисмига айланган. Аммо замон шиддати армия олдида мутлақо янги ва инновацион талабларни қўймоқда.

Бу йилдан бошлаб ҳарбий спорт мусобақалари рўйхатида замонавий ва юқори технология йўналишлар қўшилди. Булар — стратегик фикрлаш ва тезкор қарор қабул қилиш кўникмаларини оширадиган киберспорт, келажак жанг майдонининг асосий фактори бўлган дрон бошқаруви (UAV) ҳамда муҳандислик ва инновация салохиятини юксалтирадиган робот технологиялари бўйича махсус мусобақалардир.

Қисқача айтганда, бугунги ўзбек аскарлари кўлида китоб, қалбда Ватан, онгида эса юксак технологиялар муҷассам бўлган мутлақо янги авлод вакили.

Ватанпарварлик кимлар учундир шунчаки чиройли сўз бўлиши мумкин, аммо ҳақиқий эр йигитлар учун бу — қалбдаги муқаддас туйғу ва амалдаги фидойилик. Ана шундай навқирон авлод вакиллари “Жасорат мактаблари”, “Теурбеклар мактаби” ва Жалолиддин Мангуберди номидаги академик лицейларда ажодларимизнинг шонли тарихига ҳурмат, она юртва садоқат руҳида тарбияланмоқда.

Рақамлар ва рейтинглар: юзакиликдан натижадорликка

Тан олиш керакки, яқин ўтмишда ёшлар билан ишлашда баъзан юзаки ёндашувлар, расмиятчилик ёки ҳисобот учун ўтказиладиган тадбирлар ҳам бўлган. Бироқ бугун Мудофаа вазирлиги марказий аппарати ва



таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик мутлақо янги босқичга чиқди. Таҳлилларга кўра, илгари ёшлар билан ишлаш тадбирларининг асосий қисми фақат талаба ва ўқувчиларга қаратилган бўлса, энди ёш ҳарбий хизматчилар ва аскарлар билан манзилли, индивидуал ишлаш кўрсаткичи сезиларли даражада ортди.

Ҳарбий қисмларда ўтказилаётган тадбирларнинг самарадорлиги ойлик рейтинглар ва чўқур таҳлиллар асосида баҳолаб борилади. Бунда асосий мезон ҳал этилган реал муаммолар ва ёшларнинг дунёқарашидаги ижобий ўзгаришлар этиб белгиланган. Айниқса, “Аскар ота-оналарини шарафлигимиз” лойиҳаси армиянинг юксак инсоний қиёфасини очиб берди. Ҳар бир аскарнинг ортида уни дуолар билан кутган ота-онаси борлигини ҳис қилиши, хизмат жараёнида онаси билан доимий мулоқотда бўлиши унинг руҳий-психологик устуворлигини мустаҳкамлайди. Оиласи хотиржам, ақиллари эъзозда бўлган ҳарбий хизматчи ўз бурчини икки қарра масъулият ва юксак гурур билан бажариши шубҳасиз.

“Аскар оиласи ҳарбий қисмда” ва “Аскарлик давримни эслаб...” лойиҳалари

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қароридидаги вазифар ижросини таъминлаш ҳамда “Халқ ва армия — бир тану бир жон” тамойилини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида Мудофаа вазирлиги тизимида “Аскар оиласи ҳарбий қисмда” номли инновацион ижтимоий дастурини жорий этиш тақлифи тўлиқ қўллаб-қувватланди.

Вазирнинг кўрсатмасига мувофиқ, мазкур дастур доирасида жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарликда юксак натижаларга эришиб, сафдошларига ўрнак бўлган энг илгор мuddатли ҳарбий хизматчининг оила аъзолари (ота-онаси, ака-укаси, опа-сингилиси) ҳарбий округ қўшинлари қўмондонини номидан расман тақлиф этилади. Улар бир сутка ҳарбий қисмда бўлиб, аскарларнинг кундулик хизмат жараёни ва бошқа тайёргарлик тадбирларида иштирок этиди, ҳарбий қисмлардаги ҳақиқий замонавий шароитлар билан яқиндан танишади.

Бундан ташқари, Мудофаа вазирлиги тизимида байрам тадбирлари доирасида юртимиздаги таниқли давлат ва жамоат арбоблари, санъат ва маданият намояндалари ҳамда машҳур спортчилар иштирокида “Аскарлик давримни эслаб...” номли ижтимоий-ватанпарварлик лойиҳаси амалга оширилиши белгиланди. Машҳур шахсларнинг ҳарбий қисмларга оддий меҳмон сифатида эмас, балки бир кунлик ҳарбий хизматчи сифатида келишини ташкил этиш, уларнинг аскар либосини кийиб, шахсий таркиб билан бир сафда туриши, биргаликда овқатланиш ва суҳбат қуриши армиянинг халққа нақадар яқинлигини кўрсатади.

Иштирокчилар лойиҳа доирасида ўзлари хизмат қилган йиллардаги шароитларни янги Ўзбекистон армиясининг бугунги замонавий қиёфаси билан қиёслаш имконига эга бўлади ҳамда бу ўзгаришлар ва имкониятлар ҳақида ўз хотиралари ва хулосалари билан ўртоқлашади. Жараёнда қўшинларнинг замонавий курул-арғоғ ва техникалар билан таъминлангани, аскарларнинг профессионал тайёргарлиги ва интеллектуал салохиятини бевосита кузатади.

боламни марказга олиб келишимни айтиб, кўнғирроқ қилишди. “Кеч соат бешда олиб кетгани келасиз”, дейишганида, тўғриси, йиғлагим келган. Чунки бу биз — она-боланинг биринчи ажраллишимиз эди. Кечгача уйда ўтиргандек бўлмадим, жуда хавотирландим. Айтилган вақтда бориб кўрсам, барча болалар, ўғлим ҳам хурсанд бўлиб чиқпти. Фарзандимга у ер жуда ёқиб қолди. Тарбиячилари, устозларини ноҳоятда яхши кўради, уларга меҳри тушиб қолган. Ёзиш, чизиш, умуман топшириқларни бажариш кўникмасига эга бўлди.

Маълумотларга кўра, 2019 йилдан 2025 йилгача бўлган даврда ўтказилган машғулотлар ва муолажаларнинг умумий сон қарийб 1,5 миллионни ташкил этди. Утган йили эса эса 546 мингдан ортиқ машғулот ва муолажа ўтказилди. Бу рақамлар нафақат иш қўламини, балки оилаларнинг қулай ва сифатли реабилитация ёрдамида реал эътиҳини ҳам кўрсатади.

Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳрида ташкил этилган “Умид” реабилитация марказига эга давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти ҳам аҳолига беминнат хизмат қилапти. Мутахассислар болалардаги нуқсонларни аниқлаб, тиббий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

— Ташкилотимизда 2 ёшдан 7 ёшгача бўлган 73 тарбияланувчимиз бор, — дейди

Қуrolли Кучларимизда жисмоний тайёргарлик доим биринчи ўринда бўлиб келган. Кўпкураш, қўл жанги ва оғир атлетика каби аънавий спорт турлари аллақачон ҳарбий ҳаётнинг ажралмас қисмига айланган. Аммо замон шиддати армия олдида мутлақо янги ва инновацион талабларни қўймоқда.

Бу орқали мустақиллик йилларида Қуrolли Кучларимизнинг шаклланиш йўли, моддий-техник базанинг тубдан янгилангани ва ҳарбий хизматчилар учун яратилган юксак ижтимоий ҳимоя тизими аниқ ва ҳаётий мисоллар ёрдамида кенг жамоатчиликка етказилди. Бу каби тадбирлар ҳарбий хизматни ёпиқ тизим эмас, балки очик ва ишончли ижтимоий институт сифатида намоён этиш, жамиятда миллий армиямиз ҳақида ҳолис ва ижобий тасаввур шаклланишига хизмат қилмоқда.

Миллий хавфсизликнинг стратегик кафолати

Армия тизимидаги ислохотлар фақат ҳарбийлар доираси билан чекланиб қолмайди. Техникум ва коллеж талабалари, мактаб ўқувчилари билан мунтазам ўтказилаётган “Қўмондон ва ёшлар”, “Очиқ эшиклар кунлари”, “Чемпион ва ёшлар” каби жонли мулоқотлар бутун жамиятда соғлом ватанпарварлик муҳитини шакллантирмоқда. Ёшлар ҳарбий қисмларга келиб, замон билан ҳамнафас одимлаётган армияни ўз қўли билан қўрмоқда. Бу эса уларда ҳарбий хизматга нисбатан юксак ҳурмат ва қатъий қизиқиш уйғотмоқда.

Биз қилинча “Ёшлар — келажагимиз”, дейимиз. Аммо бугунги шиддатли Ўзбекистонда ёшлар нафақат келажак, балки бугунимиз ва ҳаётимизнинг асосий куч-қуввати, ҳаракатлантирувчи моторидир. Давлатнинг эртанги қиёфаси айнан бугун тарбия топаётган, армия сафларида тобланаётган мард ва фидойий ёшлар орқали шаклланди.

Ёшлар билан ишлаш масаласи бугун нафақат педагогик ёки тарбиявий, балки стратегик ва миллий хавфсизлик даражасидаги энг муҳим вазифа. Кучли ва енгилмас давлатни фақат маънавияти юксак, билимли, замонавий касб-ҳунари ва энг муҳими, ўз Ватанини жонидан ортиқ севувчи ёшлар билан барпо этиш мумкин.

Мудофаа вазирлиги қўшинларида ўтказилаётган “Ёшлар куни” тадбирлари, яратилган тизимли имтиёзлар ва очик мулоқотлар ёшлар орасида миллий армиямизнинг нуфузини янада юқори чўққига олиб чиқмоқда. Бугунги ўзбек аскарлари фақат қўлда қурул тутиб чегарани қўриқлаётган, мамлакат тинчлигини асраётган жангчи эмас, балки эртанги куннинг моҳир мутахассиси, юксак ахлоқий фўқаро ва ўз оиласининг мустаҳкам таянчидир.

Армия сафларида шаклланаётган бу навқирон ва интеллектуал авлод янги Ўзбекистоннинг буюк келажagini қуришда ҳамisha олдинчи сафларда бўлишига ишончимиз комил. Чунки Ватан тақдирини қўриқиб бўлмаган, унинг ҳар қачир ерини кўзига тўтти қилган ва истиқболга юксак мақсадлар билан боқаётган ёшлар бор жойда давлат ҳамisha қудратли, миллат эса енгилмас бўлади.

# ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ НАМУНАСИ

Реабилитация марказларига эга бўлган “Имкон” ва “Умид” ихтисослаштирилган ташкилотларининг очилиши мамлакатимиз ижтимоий тизимида янги даврни бошлаб берди. Зеро, аввал мактабгача коррекцион таълим, тиббий, психологик ва ижтимоий-педагогик қўллаб-қувватлашни бир жойда жамлаган ягона тизим мавжуд эмас эди. Бугун Нукус, Қйрай, Қарши ва Зарафшонда муваффақиятли фаолият юритаётган ушбу марказлар болани илқ ривожланиш давридан бошлаб вояга еттунига қадар узлуқсиз кузатиб бориш ва қўллаб-қувватлашга хизмат қилапти. Шу маънода, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида шундай янги марказлар қурилишига старт берилмоқда. Бу билан айни пайтда Нукус, Қйрай, Қарши ва Навоий шаҳарларида фаолият юритаётган “Имкон” марказлари тармоғи янада кенгайди. Қурилажак тўртта янги марказнинг биринчиси жорий йилнинг кузида

Самарқанд шаҳрида иш бошлайди. Қурилиш ишлари қарийб 65 фоз якунланган маркази 2026 йил сентябрда фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Келгусида Фарғона вилояти, Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳри ва Наманган вилояти ҳудудларида ҳам янги “Имкон” реабилитация марказларини очиб режалаштирилган. Зеро, бу марказлар алоҳида таълим эҳтиёжларига эга болалар ва уларнинг оиласи учун замонавий реабилитация ҳамда қўллаб-қувватлаш хизматларини янада кенгайтиришга хизмат қилади. Улар фаолияти икки асосий йўналишда ташкил этилади. Биринчиси, 2 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти бўлиб, унда болалар таълим-тарбия ва ривожлантирувчи хизматлар билан қамраб олинади. Иккинчиси, замонавий реабилитация маркази. Бунда 18 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар ота-оналари

ҳамроҳлигида амбулатор шароитда жадал реабилитация курсларини ўташи мумкин.

Марказлар бир нечта муҳим йўналишни ягона маконда бирлаштирган. Ихтисослаштирилган мактабгача таълим, тиббий ва ижтимоий реабилитация, коррекцион машғулотлар, ота-оналарни қўллаб-қувватлаш ва оилани комплекс ижтимоий ҳимоя қилиш шулар жумласидан. Реабилитация хоналари, махсус хоналар, мактабгача таълим гуруҳлари, ошхона, ижодий майдончалар ва болалар билан машғулотлар ўтказиш зоналарида барча шароит мўхайё. Мана шундай имкониятдан нафақат пойтахт ёки айрим шаҳарларда, балки мамлакатнинг ҳар бир ҳудудида ёрдам олиш учун ҳаракат қилинапти.

— Реабилитация учун пойтахтга қатнар эдик, — дейди қйрайлик Шаҳзода Рафиқова. — 4-5 йил аввал ўзимизнинг Қйрайда “Имкон” маркази иш бошлади. Ушанда

марказнинг тарбиячи-услубчиси Раъно Ҳамраева. — Реабилитация марказида эса 70 нафардан 80 нафаргача 2 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар қатнаб, муолажаларни олади. Очик ва ёпиқ бассейнларимизда сув муолажалари мунтазам бажарилади. Коррекцион-ривожлантирувчи ва соғломлаштириш ишлари натижасида тарбияланувчиларимизда сезиларли ижобий ўзгаришлар кузатилди. Мутахассисларнинг индивидуал ёндашувлари, дефектолог машғулотлари, психологик ёрдам, даволовчи жисмоний тарбия, массаж ҳамда реабилитация муолажалари орқали тарбияланувчиларимиз соғломлаштирилиб, биттирувчиларимиз умумий типдаги мактабларга ва умумий турдаги мактабгача таълим ташкилотларига йўналтирилди.

Марказлар фаолиятининг энг муҳим натижаларидан бири болаларнинг ривожланиши, мустақил бўлиш, инклюзив синфлар ва умумтаълим мактабларида ўқишга тайёргарлик кўриш имкониятига эга бўлаётганидир. Ҳар йили қўллаб болалар янги кўникмаларни эгаллаб, мустақил ҳаракатланиш, мулоқот қилиш ва ўз имкониятини намоён этишда сезиларли ютуқларга эришмоқда.


Муножат МҶМИНОВА,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

2026 йил 27 июнь, 129-сон



# Журналист касбини ўзгартиради

Пойтахт кўчаларида тирбандлик оралаб шошаётган, емакхоналар эшиги олдида буюртма кутаётган, кўп қаватли уйлар ҳовлисида манзил қидираётган етказиб берувчиларни — курьерларни ҳар куни учратамиз. Қўлида телефон, елкасида ҳарорат сақловчи идиш (термосумка). Бутун бу манзара шаҳар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб улгурган. Сўнгги йилларда етказиб бериш хизмати жадал ривожланиб, минглаб одамлар учун реал даромад манбаига айланди. Курьерлар орасида вилоятлардан Тошкентга катта орзу-мақсадлар билан келган ёшлар ҳам, ота-онасига оғирлигини туширмаслик учун тўлов-контракт пулини ишлаб топаётган талабалар ҳам, асосий ишидан кейин қўшимча даромад манбаи излаётганлар ҳам бор.



# ЕТКАЗИБ БЕРИШ ХИЗМАТИ: БУ ЕРДА ҲАМ ТОШ-ТАРОЗИ БОР

Хўш, кўчада ҳар куни кўриб ўтадиганимиз бу манзара ортидаги ҳаёт қандай? Кун бўйи шаҳарнинг бир чеккасида иккинчи бурчига шошиб юрган курьер қанча топади? Бу даромад ёнинг жазираси, қишнинг ҳақратони, тирбандлик ва вақт билан курашишга арзийдими? Ёки бу фақат кундалик эҳтиёжни қоплайдиган вақтинчалик ечимми?

Айнан шу саволларга жавоб излаб, бир неча кун етказиб бериш хизматида ишлаб кўришга аҳд қилдим.

Эрталаб етказиб бериш хизмати жабҳасида етакчилардан бири бўлган компания офисига йўл олдим. Бино эшиги олдида иш излаб келганлар турнақатор навбатда турарди. Ҳар бирининг нигоҳида бир хил иланиж — ишга кириш ва тезроқ даромад топиш истаги акс этган. Мен ҳам улар сафига қўшилдим.

Авал рўйхатдан ўтдик. Кейин компания ходимлари тахминан бир соатча иш тизими, ички қоидалар, мижоз билан муносабат ва буюртмани етказиш тартибини босқичма-босқич тушунтириб берди. Шундан сўнг тест синови ўтказилди. Ҳужжатчилик ишлари якунлангач, қўлимизга термосумка ва махсус форма топширилди. Иловани эса телефонга ўрнатдик.

Лекин бу иш бошланди дегани эмас эди. Чунки курьерлиқнинг асосий воситаси — транспорт. Велосипед, скутер, мопед ёки автомобилсиз буюртмани етказиб бўлмайди. Ҳайдовчилик гувоҳнома бўлганим учун электр велосипедни танладим. У эса ижара



асосида берилар, бир ҳафталик бадални олдиндан тўлаш талаб қилинар эди.

Сафдошларим орасида бу ишнинг сирасорини пухта биладиганлар ҳам бор эди. Улар қисқа, аммо аниқ маслаҳатлар берди: буюртмани қандай қабул қилиш, қайси ҳолатларда у бекор қилиниши мумкинлиги, тез ҳаракатланганда нималарга эътибор бериш кераклигини тушунтириб берди.

Энг қизиги, тизимнинг ўзи инсонни кўпроқ ишлашга ундар экан. Қанча кўп буюртма бажарсангиз, шунча кўп даромад оласиз. Тўлов нафақат буюртманинг ўзи, балки босиб ўтилган масофа учун ҳам ҳисобланади. Транспорт турига қараб тарифлар ҳам фарқ қилади. Масалан, автомобиль ҳайдовчилари ҳар километр учун кўпроқ ҳақ олади. Яна бир муҳим жиҳати бор. Мен ишлаган компанияда курьер ҳафтасига эллик соатдан ортиқ ишласа, велосипед ижараси учун қилинган харажат компания томонидан қоплаб берилади.

Иш жадвалини ўз вақтимга мослаб, биринчи иш кунимни бошладим. Кўп ўтмай, илова орқали илк буюртма келди. Харитада ресторан манзили пайдо бўлиши билан ўша томон йўл олдим. Буюртмани қабул қилиб, термосумкага жойлаштирдим ва мижоз томон ҳаракатландим.

Дастлабки дақиқаларнинг ўзидаяқ бир ҳақиқат аён бўлди: бу ерда “оддий етказиб бериш” деган тушунчанинг ўзи йўқ. Ҳар бир буюртма ортида манзилни топиш, вақтга улгуриш, мижоз билан мулоқот қилиш ва шаҳар

бир киши келиб тўхтади. Велосипеддан тушар экан, кўёшда униқиб кетган формаси ва чарчоқ сезилиб турган кўзлари унинг етказиб беришда янги эмаслигини билдириб турарди. У ўзини Одил ака деб таништирди.

Гап орасида кеча ўзи билан боғлиқ воқеани айтиб берди. Унга торт етказиш топширилган экан. Бундай буюртмалар курьерлар учун энг масъулиятли вазифалардан: озгина эътиборсизлик ҳам қимматга тушиши мумкин. Одил ака буюртмани ўз вақтида етказган. Мижознинг манзилига етиб боргач, эшикни мактаб ёшидаги бола очган ва тортни қабул қилган.

Лекин ҳаммаси айнан шу ерда ўзгарган. Бола кутини қўлга олаётганда эҳтиётсизлик қилиб, бир зумда қийшайтириб қўйган. Одил ака ўша пайтда эҳтиёт бўлишни таъкидлаган. Аммо...

Кечқурун эса иловадан хабар келган: мижоз торт шикастланганини билдирган, сурат юборилган ва қарор чиқарилган — сумма етказиб берувчи ҳисобидан ушлаб қолинган.

Одил ака шу жойда бир зум жим қолди. Кейин овозини пасайтириб давом этди: — Офисга ҳам бордим... Аммо улар ҳам ҳал қилиб беролмади.

Гап орасида унинг оиласи билан ижарада турлини билиб олдим. Рўзгор харажатлари, болаларининг ўқиши шу иш ортдан. Кечаги жарима эса унинг бир кунлик даромади бўлган. Бир оздан сўнг Одил аканинг телефонида ўша таниш овоз эшитилди ва у буюртмани олиш учун отланди.

Қузатувларим давомида яна бир ҳолат яққол сезилди: курьерга муносабат ҳар донм ҳам бир хил эмас. “Доставкачи” деган совуқ сўз, бепасанд қараш, баъзан очақ менсимаслик ҳолати ҳам учрайди. Ваҳоланки, одамлар уйдан чиқмай, иссиқ овқат ёки зарур маҳсулотни қўлга олса, бу қулайлик ортида айнан шу инсонларнинг меҳнати туради.

Йўллар эса ўзига хос синов. Курьер ҳар кунни машина, автобус ва пидедалар орасида ҳаракатланади. Қоида бўйича бошига махсус каска кийиши шарт. Лекин 40 даражали иссиқда уни кийиб юриш осон эмас. Кийилмаса — жарима, кийилса — жазирама. Танлов йўқ. Масъулият барибир курьернинг зиммасида қолади.

Кеча бориб шаҳар аста-секин сокин тортади, лекин курьерлар учун иш вақти тугамайди. Буюртмалар оқими давом этади. Чунки даромад ҳам тўхтамаслиги керак. Тун ва кун улар учун даярли бир хил.

Бир неча кунлик қузатувлар шуни кўрсатдики, курьерлик тез бойиб кетиш мумкин бўлган соҳа эмас. Бу ерда ҳар бир сўм ортида босиб ўтилган километр, йўқотилган куч ва сарфланган вақт туради. Даромад бор, аммо у осмондан тушмайди. Уни тирбандликлар орасида, ёнинг қирқ даражали иссиқда, қишнинг совуғида, баъзан эса уйқудан воз кечиш ҳисобига топишга тўғри келади.

Энг муҳими, бу меҳнатнинг яна бир қўринмас жиҳати бор. Курьер қанча ишлаганин, бу соҳада меҳнат стажы йиғилмайди. Бугунги меҳнат эртанги пенсия ҳисобида акс этмаслиги мумкин. Бу эса кўпчилик ёшлар учун вақтинчалик ечим бўлаётганининг асосий сабабларидан бири.

Бироқ масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Мен ишлаган компаниянинг ўзида етказиб бериш хизматида рўйхатдан ўтганлар сони ўн мингдан ошди. Бу қўруқ статистика эмас. Бу — ўн мингта тақдир дегани. Ўн минг одам ижара ҳақи, ўқишнинг тўлов-контракти, рўзгори ёки шахсий харажатларини айнан шу меҳнат орқали таъминлаётганини англади.

Демак, курьерлиқни фақат муаммо ёки имконият сифатида баҳолаб бўлмайди. У ҳар иккинсини ҳам ўзида муҷассам этган соҳа. Халқ тилида айтганда, бу ерда ҳам тошу тарози бор. Бир паллада эркинлик, тез даромад қилиш ва меҳнат қилганининг пул топиш имконияти турса, иккинчи паллада жисмоний чарчоқ, хавф, қалолатсизлик ва эртанги кун ҳақидаги саволлар туради.

Шунинг учун ҳам курьерлиқни бир оғиз сўз билан таърифлаб бўлмайди. Бу баъзилар учун вақтинчалик тирикчилик воситаси, бошқалар учун оиласини боқётган асосий даромад манбаи, яна қимлар учундир катта мақсадлар сари биринчи поғона.

Лекин бир ҳақиқат ўзгармайди: шаҳар ҳаёти қанча тезлашсанин, одамлар қанча кўп қулайлик талаб қилмасин, бу тизимнинг ғилдираги ортида барибир инсон меҳнати турибди. Биз кўчада шошиб ўтиб кетаётган навбатдаги курьерни кўрганимизда, эҳтимол, унинг елкасида фақат термосумка эмас, балки кундалик насибаси, оиласи умиди ва келажак ҳақидаги орзулари ҳам борлигини унутмаслигимиз керак.

Сардор ТОЛИБОВЕВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

АСАЛДАН КЕЛГАН БОЙЛИК АСАЛДЕК БЎЛАДИ

Асал етиштириш аҳоли бандлигини таъминлаш ва оилалар даромадини оширишда муҳим иқтисодий йўналишга айланиб бораётир. Давлатимиз томонидан яратилаётган имкониятлар ва берилаётган имтиёзлар туфайли Навоий вилоятида ҳам асаларичиликка қизиқиш ортиб, бу иш билан шуғулланаётганлар сани кенгаймоқда.

Табиат инъоми

— Бу йилги ёғингарчилик асаларичилар учун ниҳоятда фойдали бўлди, — дейди Ўзбекистон асаларичилар уюшмаси Навоий вилояти бўлими раиси Улугбек Муродов. — Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда 1250,6 тонна асал етиштирилган бўлса, унинг асосий қисми деҳқон ва томорқа хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. Фермер хўжаликлари 158,1 тонна, қишлоқ хўжалиги ташкилотлари эса 47,8 тонна асал етиштирган. Бу рақамлар соҳанинг аҳоли турмушидаги ўрни ҳар жиҳатдан ошиб бораётганини кўрсатади. Имтиёзли кредит асосида асалари оилалари кўпайтирилиб, олинаётган асал ҳажми ошиб бормоқда.

Ҳозир асалари оиласини кўпайтириш, маҳсулот етиштириш ҳажмини ошириш ва қайта ишлаш жараёни кенг йўлга қўйилган. Хўсузан, асал билан бирга мўл, прополис ва бошқа қўшимча маҳсулотлар тайёрлаш кўлами ҳам кенгаймоқда. Шунингдек, асаларичилик аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришнинг самарали воситалари қаторида эътироф этилмоқда. Маҳаллаларда ҳоким ёрдамчилари аҳолининг қизиқиши ва имкониятларини ўрганиб, кам таъминланган оилалар, ишсиз ёшлар ҳамда хотин-қизларга асалари оилаларини етказиб бермоқда. Натижада кўплаб хонадонларда кичик бизнесга асос солиниб, барқарор даромад манбаси шаклланипти.

— Фуқароларга кам харажат эвазига кўп даромад қилинадиган лойиҳалар тақлифини бериб борамиз, — дейди Навоий вилояти камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси шўъба мудир Хуришд Исмаилов. — Жорий йилнинг ўтган 5 ойида 270 миллион сўмлик 1063 та лойиҳа ишга туширилди ва 2600 та янги иш ўрни очилди. Асаларичилик йўналишида 227 фуқарога 7,5 миллион сўм кредит ажратилди. Йил якунигача Қизилтепа туманидаги Тавоис маҳалласини тўлиқ шу йўналишга иختисослаштириш режалаштирилган. Жорий йилнинг ўтган даврида 185 та хонадонга 1140 та асалари уяси етказиб берилди. Йил якунига қадар 200 та хонадонга ўртача 6 тадан асалари оиласи берилиб, маҳалла тўлиқ асаларичиликка иختисослаштирилди.

Асаларичилик ташқаридан қараганда осон машғулотдек кўриниши мумкин, аммо ҳар томчи асал ортида машаққатли меҳнат муҳассам. Асалари гулчанг ва нектар излаб тоғ-тошларни кезар экан, асаларичи ҳам

— Бу йилги ёғингарчилик асаларичилар учун ниҳоятда фойдали бўлди, — дейди Ўзбекистон асаларичилар уюшмаси Навоий вилояти бўлими раиси Улугбек Муродов. — Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда 1250,6 тонна асал етиштирилган бўлса, унинг асосий қисми деҳқон ва томорқа хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. Фермер хўжаликлари 158,1 тонна, қишлоқ хўжалиги ташкилотлари эса 47,8 тонна асал етиштирган. Бу рақамлар соҳанинг аҳоли турмушидаги ўрни ҳар жиҳатдан ошиб бораётганини кўрсатади. Имтиёзли кредит асосида асалари оилалари кўпайтирилиб, олинаётган асал ҳажми ошиб бормоқда.

Ҳозир асалари оиласини кўпайтириш, маҳсулот етиштириш ҳажмини ошириш ва қайта ишлаш жараёни кенг йўлга қўйилган. Хўсузан, асал билан бирга мўл, прополис ва бошқа қўшимча маҳсулотлар тайёрлаш кўлами ҳам кенгаймоқда. Шунингдек, асаларичилик аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришнинг самарали воситалари қаторида эътироф этилмоқда. Маҳаллаларда ҳоким ёрдамчилари аҳолининг қизиқиши ва имкониятларини ўрганиб, кам таъминланган оилалар, ишсиз ёшлар

ҳамда хотин-қизларга асалари оилаларини етказиб бермоқда. Натижада кўплаб хонадонларда кичик бизнесга асос солиниб, барқарор даромад манбаси шаклланипти.

— Фуқароларга кам харажат эвазига кўп даромад қилинадиган лойиҳалар тақлифини бериб борамиз, — дейди Навоий вилояти камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси шўъба мудир Хуришд Исмаилов. — Жорий йилнинг ўтган 5 ойида 270 миллион сўмлик 1063 та лойиҳа ишга туширилди ва 2600 та янги иш ўрни очилди. Асаларичилик йўналишида 227 фуқарога 7,5 миллион сўм кредит ажратилди. Йил якунигача Қизилтепа туманидаги Тавоис маҳалласини тўлиқ шу йўналишга иختисослаштириш режалаштирилган. Жорий йилнинг ўтган даврида 185 та хонадонга 1140 та асалари уяси етказиб берилди. Йил якунига қадар 200 та хонадонга ўртача 6 тадан асалари оиласи берилиб, маҳалла тўлиқ асаларичиликка иختисослаштирилди.

Асаларичилик ташқаридан қараганда осон машғулотдек кўриниши мумкин, аммо ҳар томчи асал ортида машаққатли меҳнат муҳассам. Асалари гулчанг ва нектар излаб тоғ-тошларни кезар экан, асаларичи ҳам

улар билан бирга шу манбага бой ҳудудларни излаб йўл босади. Чунки асалнинг сифати ҳам, ҳосили ҳам бевосита табиат бағридаги шароитга боғлиқ. Шу боис, бу касб меҳнат, сабр ва табиат билан ҲАМОҲАНГ яшашни талаб этади. Асаларичининг меҳнати табиат билан ҲАМОҲАНГ яшашни талаб этади. Асаларичининг меҳнати табиат билан ҲАМОҲАНГ яшашни талаб этади. Асаларичининг меҳнати табиат билан ҲАМОҲАНГ яшашни талаб этади.

авлод давом эттираётган бу касб бугун нафақат оила даромади, балки маҳалла иқтисодий фаоллигининг муҳим бўғинига айланган. Оиланинг кўп йиллик тажрибаси ёш асаларичилар учун ҳам ўзига хос мактаб.

— Ҳозир 700 қути асаларимиз бор, — дейди Зоир Ҳақбердиев. — Уларни 3 та ҳудудга жойлаштириб, парваришлаб келамиз. Асосан, уч хил асал оламиз. Улар асал кўпроқ қайси гулдан олингани билан фарқ қилади. Нуротада асаларилар бўтақўз ўсимлиги ва ғўзадан асал йиғади. Бир йилда 2-3 марта маҳсулот оламиз. Ҳар бир асал турининг ўз хариदори бор. Биз ҳозирча 10 га яқин маҳалладошни иш билан таъминланганимиз. Ўз брендимизни яратиб, маҳсулотларни бошқа

туманларга ҳам тарқатяпмиз. Келгусида экспортни йўлга қўйишни режалаштирганимиз.

Асаларичилиқнинг аҳамияти фақат асал етиштириш билан улганмайди. Бу тармоқ қишлоқ аҳолиси учун қўшимча иш ўринлари очиш, томорқадан самарали фойдаланиш ва оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш ҳам демак.

Навбаҳор туманидаги Учтут маҳалласи бугун асаларичиликка иختисослашиб

ривожланипти, кўп хонадонлар ушбу фаолият билан шуғулланмоқда. Маҳаллага яқин тоғ-адирларда табиий ғиёҳлар кўп. Асаларилар асосан шундай йиллов ва адирларда парваришланади. Мутахассислар фикрича, битта асалари бир килограмм асал йиғиш учун 4500 марта парвоз қилиши ва 6-10 миллион гулдан шира олиши керак. Фойдала хашаротга бу шароитни яратиб бериш эса асаларичилар зиммасида.

— Айни вақтда маҳалламизда асаларичилик омаллаштириб бормоқда. Ишсиз фуқароларга имтиёзли кредит асосида асалари уялари олиб бераймиз, — дейди Учтут маҳалласи раиси Маъмур Мирзаев. — Тажрибали асаларичилар янги иш бошлаганларга яқиндан кўмаклашади. Ҳозир асаларичиликдан йилига 200 миллион сўмгача даромад қилаётганлар ҳам бор.

Меҳнатсевар инсон қўлида кичик асалари оиласи ҳам барака манбасига айланади. Бугун давлат кўмаги ва яратилаётган имкониятлар туфайли кўплаб хонадонларга асалари уяси етказиб бериляпти. Натижада кечagina бир нечта уя билан иш бошлаган оилалар бугун асалари оилаларини кўпайтириб, даромад манбасини мустаҳкамламоқда.

Асалари табиат инъомини йиғса, асаларичи меҳнати билан фаровонлик яратади. Бугун Навоий вилоятида асаларичилиқни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор туфайли минглаб хонадонда янги имкониятлар эшиги очилмоқда.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

|                                                                   |                                                             |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                      |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                |                                                                                                                                                                                                               |
|-------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ   | Бош муҳаррир:<br><b>Салим ДОНИЁРОВ</b>                      | Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади.<br>Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.<br>Газета тахририят компьютер марказида сақлалади.<br>Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.<br>Босмахона телефони: (71) 233-11-07. | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.<br><b>Нашр индекси</b> — 236. <b>Буюртма</b> Т-646.<br>30166 нусхада босилди.<br><b>Ҳажми</b> — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. <b>Қоғоз бичими</b> А2. Баҳоси келишилган нархда. | Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов<br>Муасхих: Акбар Қаршиев<br>Дизайнер: Хуришд Абдуллоев<br><br>Манзилими:<br>100060, Тошкент шаҳри,<br>Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй<br><br>ЎЗА якуни — 21:55 Топирилди — 00:15 |
| МУАССИС:<br><b>Ўзбекистон Республикаси<br/>Вазирлар Маҳкамаси</b> | Қабулхона: (71) 233-56-33<br>Эълолар бўлими: (71) 233-70-98 | E-mail: info@yuz.uz<br>Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05                                                                                                                                                                                                                                                                          | Девонхона ва ишонч телефони:<br>(71) 233-56-60                                                                                                                                                                                                                                                                                                                 | “ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.<br>Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.                                                                         |